

Умарали НОРМАТОВ

ЯРИМ АСР ПОРЛАГАН МАЁК

*(Озод ШАРАФИДДИНОВ
тавалдудининг 90 йиллиги)*

**Ташкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2019**

УЎК: 821.512.133

КБК 83.3(5Ў)

Муҳтарам китобхон!

Кўлингиздаги муҳтасар мақсмуада мунакқид Умарали Норматовнинг устози – ноёб истеъодод соҳиби, жасур сиймо, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов шахсияти, ҳаёт ва ижод йўлига оид турли йилларда ёзилган эссе – бадиа, хотирилари жамланган. Мақсмуага илова тариқасида устознинг шогирди – Умарали Норматов ҳақидаги мақоласи ҳам берилган.

*Масъул муҳаррир:
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор*

*Тақризчилар:
Наим КАРИМОВ,
ЎзРФА академиги,
филология фанлари доктори, профессор;
Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби*

83.3(5Ў)

Н79

Норматов, Умарали

Ярим аср порлаган маёқ: Озод шарафиддинов таваллудининг 90 йиллигига / У.Норматов; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2019. – 70 б.

ISBN 978-9943-5562-9-4

© У.Норматов, 2019
© «MUMTOZ SO'Z», 2019

ЯРИМ АСР ПОРЛАГАН МАЁҚ (Эссе)

Мен устоз Озод акани ўлмайдиган одам деб билардим. Бу табаррук зот вужудидаги мислсиз ирода, бардош, шижаоат ҳали бери ўлимни яқинига йўлатмаса керак, деб юрардим. 2005 йилнинг 4 октябрида – муборак рамазони шариғининг илк тонгига устознинг вафоти хабарини эшитганимда, сўнг Қибрайдаги хонадонида худди тириқдек ётган майити ёнида тиз чўкиб ўтирганимда не ҳолга тушганимни ифодалашга тилим ожиз. Начора, туғилиш бор экан, ўлим ҳақ. Ҳаётимдаги энг мушкул дам ўша куни устоз тобути бошида туриб Одил Ёкубов, Абдулла Орипов, Хайриддин Султонов қатори видо сўзини айтиш бўлди. Ўша дамларда кўнглимдан кечгандарни қофозга туширгудек бўлсан, бутун бошли китобга айланарди.

Озод аканинг ярим асрлик фаолиятининг асосий қисми Ўзбекистон Миллий университетида ўтди. Мен у кишининг биринчи шогирди эдим. Ярим аср у билан бирга ишлаш, ҳамкору ҳамнафас бўлиш мен учун Аллоҳнинг беназир инояти деб биламан. Мислсиз истеъодод соҳиби, шахси бутун улуғ сиймонинг ижодий жасорати туфайли Миллий университет мамлакатимизда жамоатчилик тан олган адабий-танқидий марказлардан бирига айланди. Устоз бу масканда ўзига хос илмий мактаб яратди.

О.Шарафиддинов миллий адабиётимиз ривожида Сталин вафотидан кейин 50-йиллар ўрталаридан бошланган янги бир тўлқиннинг танқидчиликдаги даракчиси сифатида майдонга чиқди. “Лирика ҳақида мулоҳазалар”, “Замон, қалб, поэзия”, “Ниҳоллар” сингари мақолалари билан адабий-танқидий тафаккур равнакида бурилиш ясади, расмий доираларга хизмат қилувчи ўта мафкуравийлашган “шерьрият”га қарши илк бора мардона туриб жант очди. Шерьриятда шоир кўнгил розларини, қувончу ташвишларини,

дарди дунёсини ифода этувчи чинакам инсоний тамойилларни ҳимоя қилиб чиқди, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари ёрқин истеъдодларни илк қадамларидаёқ ҳимоя қилиб, уларнинг ижодий тақдирига кучли таъсир кўрсатди. Бугина эмас, Абдулла Қахҳор, Зулфия, Миртемир, М.Шайхзода, Шуҳрат, А.Мухтор, О.Ёқубов, П.Қодиров сингари етакчи адиблар билан ҳамкору ҳамнафас, маслақдош сифатида жўшқин адабий жараён ичиде ёниб яшади, бетиним ижод этди. Шу пайтга қадар бизда ижод аҳли билан мунаққиднинг бу тарздаги ҳайратомуз ва ибратомуз ҳамкорлиги бўлган эмас.

Дадил айтиш мумкинки, биринчи галда, Озод аканинг саъй-ҳаракати туфайли миллий танқидчилигимиз замонавий жаҳон танқидчилиги тафаккури даражасига кўтарилди. Ярим аср давомида бу улуғ зот танқидчилигимизнинг карvonбошиси – лидери бўлиб келди. Бунақаси жаҳон танқидчилити тарихида сийрак учрайдиган ҳол.

Аёнки, XX асрнинг иккинчи ярмига келиб танқидчи ва адабиётшунос мутахассислар тайёрлашнинг муайян тизими шаклланди, филология бўйича фан номзоди, фан доктори илмий даражасини олиш ҳаракати оммавий тус олди, бу соҳа илм-фанда тирикчилик, касб-хунар, лавозим, мартабаларни эгаллаш воситасига айланди. Номзодлик, докторлик диссертацияларининг низомлари яратилган, ҳозир адабиётшуносликнинг муайян жаири тусини олган, унинг қатъий талаблари бор, ҳатто диссертация таркиби, нечта боб ва фасллардан иборат бўлиши зарурлиги қатъий белгилаб қўйилган. Ҳар йили бизда адабиётшунослик бўйича 30-40 атрофида фан докторлари тайёрланади. Бироқ масаланинг “лекин” и бор. Ҳўш, шулардан нечтасини “мунаққид” – чин истеъдод эгаси деб аташ мумкин? Бунга дадил жавоб беришга тил ожиз. Гарчи Озод aka ҳам фан номзодлиги диссертациясини ёқлаган, ўзи 26 та фан номзоди тайёрлаган бўлса-да, бу ҳаракатни унча хушламас, диссертация масала-

сига қандайdir киноя-истехzo билан қаарди. Ўз номзодлик диссертациясидан қўнгли тўлмаган, докторлик диссертацияси устида ишлашни эса хаёлига ҳам келтиргмаган.

Гап шундаки, устоз табиатан диссертация қолипига тушмайдиган, стереотипларни тан олмайдиган шахс эди. У танқидчиликни санъат деб биларди, худди Нитше фалсафани поэзия, достон даражасига кўтаргани каби Озод ака ҳам танқидчиликни чинакам ижод – санъат асари, шеърият даражасига олиб чиқди. Агар ҳоҳиш-истак, майл бўлса, муайян тайёргарлиги бор ҳар бир одам бемалол номзодлик, докторлик диссертациясини “ясайвериши” мумкин; аммо “Чўлпонни англаш”, “Нутқ ёхуд адаб ҳаётининг юлдузли онлари”дек ноёб асарларни фақат Озод акадек ноёб истеъдод соҳибигина яратиши, бунёд этиши мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, мунаққид ижодий фаолиятинг ўттиз беш йили шўро истибодди даврида кечди. Мустабид тузум адабий сиёсати, яккаҳоким мафкура, соцреализм ақидалари босими, табиийки, унинг ижодий тақдирда муайян даражада ўз асоратларини колдирди. Бироқ олимнинг бу йиллардаги жўшқин фаолияти замон таъкибу тазийклари остида ақидапарастликка қарши курашлар, адабиёт оламидаги чин истеъдодлар, асл асарлар ҳимояси йўлида ҳақиқат, адолат учун муросасиз мардона жанглар ичida ўтди. Унинг минбарлардаги, матбуотдаги деярли ҳар бир жиддий чиқиши кескин қаршиликларга учради, унинг номи ҳар доим қора рўйхатларда юрди. Бу хусусда, аввало, устознинг ўзи “кўб” ва “хўб” ёзган. Бунинг учун “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?”, “Чўлпонни англаш” рисолаларини эслаш кифоя. Бу борада шахсан ўзим гувоҳ бўлган баъзи воқеаларни эслатиб ўтсан дейман.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб Миллий университетда Ғулом Каримов бошчилик қилган, Озод ака ишлайдиган Ўзбек адабиёти кафедрсининг мавқеи ғоят баланд, XIX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиёти ҳамда замона-

вий адабий жараён тадқиқи бўйича мўътабар илмий марказ саналарди. Шу орада кафедрани иккига ажратиши масаласи кўтарилиди. Адабиёт тарихи бўйича мудир тайин, аммо ажралиб чиқажак замонавий адабиёт кафедрасини ким бошқарди, дегаң муаммо юқори доирадагиларни ўйлантириб қўйди ва бу масала узоқ йиллар пайсалга солиниб келинди. Нихсят, F.Каримовнинг қатъий туриб олиши туфайли 1974 йил баҳорида матбуотда янги кафедра мудирлигига конкурс эълон этилди. Конкурс натижаларига бағишланган илк мажлисда маълум бўлдики, мудирлик лавозими учун Турсун Собиров, Салоҳиддин Мамажоновдан ариза тушибди. Бироқ университет домлаларидан бирортаси ҳам хужжат топширмагани мажлис аҳлини ўйлантириб қўйди. F.Каримовнинг маслаҳатига кўра, Хатиба Ҳакимова ва камина ариза топширишимиз лозим эди. Фоят андишли аёл Хатибахон Озод акадай буюк олим турганида бу лавозимга даъво қилишни ўзига эп кўрмаган ва устоз таклифини катъиян рад этган. Менинг вазиятим ҳам аён, ахир устоз турганида мен қандай қилиб бу ўринга даъвогарлик қиласман?.. Мажлисда бу гаплар дангалига ўртага ташланди. Қизик, ўша куннинг ўзида Т.Собиров билан С.Мамажонов аризаларини қайтариб олдилар.

Эртаси куни F.Каримов мени ўз хузурларига чорладилар; асл ниятга ўтиб, мудирликка ариза топширасиз, шунга келишдик, дедилар. Кўнгилдаги андишпаларимни айтганимда: “Аслида, бу жой Озодники, – дея сўзларини давом эттиридилар. – Мен кўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, лекин гапимни ўтказолмадим, юқоридагилар “Бу лавозимни Озодга бериб бўлмайди”, деб туриб олишди. Агар пайсалга солсангиз, бу ўринга бошқа ёт бир одам келади-ю, Озодга ҳам, Сизга ҳам ёмон бўлиши мумкин. Бир йил ўтар, икки йил ўтар, фурсат келар, ана ўшанда мудирликни икки кўллаб асл эгасига топширасиз. Озоднинг фикри ҳам шу!”

Ноилож рози бўлдим, орадан шунча йиллар ўтиб кетди, аммо домла ваъда қилган фурсатдан дарак бўлмади. Шундай бўлса-да, кўнгил бир жиҳатдан таскин топади: 26 йил Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилган бўлсам, асосий вазифам устозни бало-қазолардан асраш, кўнгилдаги улуг ниятларини имкон қадар рўёбга чиқаришда унга таянч ва суянч бўлишдан иборат эди.

Шу йиллар давомида кафедра ҳаёти, илм-фанга оид барча жиддий муаммолар устоз билан бамаслаҳат ҳал этиларди. Яширмайман, айрим масалаларда баҳслашиб ҳам қолардик. Истиқлол руҳи билан йўғрилган мактаб адабий дастури, олий ўқув юртлари учун XX аср ўзбек адабиёти дастури ва дарслиги ҳам унинг иштирокида – ҳаммуаллифлигига яратилди. Ажиб ибтидо ва интиҳо: сафарда бўлганликлари туфайли муаллифга катта шухрат келтирган “Замон – қалб – поэзия” китоби корректурасини ўқиб нашриётга тақдим этишни ишониб менга топширган эдилар. Орадан қирқ йил ўтиб ўзи “Замон – қалб – поэзия”дан кейинги энг яхши китобим деб санаган “Ижодни англаш бахти”га масъул муҳаррир бўлиш, сўзбоши ёзиш шарафи ҳам менга насиб этди. Қизиқ, каминага тақдим этилган бу китобдаги дастхатда устоз мени негадир “дўстим” деб атаган ва “Менга садоқатингиз туфайли доим қаноатланиб юраман”, деб ёзган.

Дориламон қунлар келгач, истиқлол туфайли устоз елкасига офтоб тушіган кезлари у кафедра мудирлігидан ҳам муҳимроқ лавозимларда, чунончи, аввал “Хазина” нашриётида бош муҳаррир, сўнг энг нуфузли янги нашрлардан “Тафаккур” журналининг бош муҳаррири ўринбосари, ниҳоят, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири вазифала-рида хизмат қилди. Лекин у Миллий университет, факультет, Ўзбек адабиёти кафедраси билан алоқасини узмади, умрининг охирига қадар ўзини шу даргоҳнинг одами, фарзанди санаб бу ердаги барча муҳим тадбирлардә фаол иштирок этди. Магистрантлар, Олий Адабиёт курси тинглов-

чилари билан мунтазам сұхбатлар ўтказиб турди, одатдаги-дек турли анжуманларда теран профессионал, жүшкін, мардана ҳақ сўзлари билан тингловчилар, хусусан, ёшлар кўнглига олов ёқиб келди.

Беихтиёр 60–80-йиллар кўз олдимдан ўтади: ўша кезлари барча олий ўкув даргоҳларида бўлгани каби университеттегда ҳам “сиёсий хушёрлик” олий даражада эди. Озод аканинг қолипларга сифмайдиган гаплари ҳамиша сиёсий “хушёр” соқчиларнинг эътиrozларига учарди. Факультетда Ғулом Шарипов деган ортодоксал коммунист ишларди. Тилшунос доцент сифатида аудиторияда студентларга тил илмидан деярли ҳеч нарса бермас, асосий хунари тил ва адабиёт соҳасидаги “сиёсий хатолар”ни аниклаш, бу ҳақда тегишли даргоҳларга “гап етказиш”дан иборат эди. Бирор унинг муштугини ҳеч ким пишт деёлмасди. Ҳатто Айюб Ғуломовдек буюк олим унинг қаршисида кўл ковуштириб турарди. Бу кимсанинг Озод акани кўрарга кўзи йўқ эди. Адабиёт дунёсида нимаики “чатоқлик” содир бўлса, Озод акани унинг бош айбдори деб биларди. Ёзувчилар уюшмасида, турли адабий анжуманларда Озод ака шаънига танқидий гаплар айтилганида, устоз олқишилаб мақола ёзган “Тобутдан товуш” кескин танқид остига олинганида, у муҳаррирлик қилган “Тирик сатрлар”, “Ёшлар билан сұхбат” китоблари қатағонга учраганида, Эркин Воҳидовнинг “Фузулий ҳайкали қошида”, “Ўзбегим”, Абдулла Ориповнинг “Биринчи муҳаббатим”, “Аёл” шеърларига маломат тошлари отилганида – бу каби нохуш воқеаларни университетда биринчилардан бўлиб зўр қувонч билан қарши олган, факультет жамоаси, талабалар орасида уларни кенг тарғиб ва ташвиқ этган ҳам ўша зот эди. Ҳатто у университет партия мажлиси минбарида туриб, “Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповларнинг ижодда хато йўлдан кетишлирига Озод Шарафиддинов айбдор” дейиш даражасига борди. Шунда нотаниш бир талаба минбарга отилиб чиқиб:

“Озод Обидович Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар қатори халқимизнинг фахри, ифтихори, виждони, бу табаррук зотни ҳакорат қилинишига тоқат қилолмаймиз” деганида улкан зал гулдурос қарсаклардан ларзага келгани, ўша кезларда қалбларда жўш урган қувонч нашидасини ҳамон унутолмайман.

Устознинг университет даври фаолияти устивор йўналишларидан бири Чўлпон муаммоси бўлган. Чўлпён расман оқлангач, Озод ака Ёзувчилар уюшмасида тузилган Чўлпон ижодини ўрганувчи комиссияга аъзо қилиб киритилган эди. Ғаламисларнинг пинҳона қаршилиги туфайли комиссия ишламади. Сўнг Озод ака якка ўзи мустақил равишда бу борада изчил фаолият кўрсатди, Чўлпон асарларини йиғди, у ҳақидаги мақолаларни тўплади, адаб замондошлари хотираларини ёздириб гоҳо эса ўзи ёзид ола бошлади. Университет аудиторияларида тап тортмай Чўлпондан сўз очар, шеърларидан намуналар ўқирди. Ганимларнинг фитналарига, юкори доираларнинг таъқибига қарамай, бу ишни изчил давом эттираверди. Ёдимда, бир гал иккимизни парткомга чақириб, шу хусусда гап очишганда, устоз шоирнинг соғлирикаси намуналаридан “Гўзал”ни, шўролар сиёсатига мослаб ёзилган айрим шеърларини ўқиб: “Буларнинг нимаси зарарли?” деган саволни қўйди. Шунда партком котиби ҳеч нарса дея олмади, ҳар ҳолда бу масалада эҳтиёт бўлиш керак, деган мужмал гапдан нари ўтольмади... Бу ҳол бир эмас, бир неча бор такрорланди. Ҳар гал Чўлпон хусусида дағдаға билан бошланган можаро Озод аканинг асосли далил-исботлари туфайли мужмал бир тарзда муроса билан якунланарди. Энг охирги дағдаға ва кулгили ходиса 1985 йилнинг декабрида юз берди. Кафедра мажлисига йиғилган эдик. Факультет декани хузуримизга кириб Озод ака иккимиз тезликда парткомга чиқишимиз зарурлигини айтди. Маълум бўлдики, гап кафедра аъзоси Н.Худойбергановнинг “Вопросы литературы” журналининг 1985 йил 12-сонида

босилган танқидчиликдаги маҳаллийчиллик хусусидаги мақоласи устида экан. Мақолада, жумладан, Чўлпон ижодий мероси ҳамон эътибордан четда қолаётгани, асарлари қайта босилмаётгани айтилган эди. Марказқўмдан университет парткомига кўнғироқ қилишиб, тезликда бу мақолани муҳокама қилиш, унинг муаллифига партиявий чора кўриш ва зифаси топширилади. Озод ака котибга ётиғи билан мақола моҳиятини тушунтириди, Норбой партия аъзоси эмаслигини эслатди; бунинг устига мақола Москванинг нуфузли нашрида босилгани, ундаги гаплар ҳозир жиддий шов-шувларга асос бўлолмаслиги, агар шундай қилинса, университет шаънига доғ тушиши мумкинлигини айтди. Котиб иккиланиб қолди. Марказқўм билан телефон орқали боғланиб, бўлган гапларни юкорига етказди. Марказқўм ходимлари ўз сўзларида туриб олдилар, мақолани эътиборсиз қодириб бўлмаслигини, албатта, муҳокама қилиниб, “миллатчи шоир”ни окламокчи бўлган муаллифга кескин чора кўриш ва бу хакда марказқўмга ёзма ахборот бериш топширилди. Менинг шахсий архивимда марказқўм учун икки ой давомида 1986 йил 12 март санаси билан тайёрланган айни шу хусусидаги батафсил тушунтириш хати сақланади. Гарчи Озод ака кўп масалаларда Норбой билан чиқишолмаса-да, унинг Чўлпон хусусидаги позициясини катъий туриб химоя қилди. Озод ака маслаҳати билан Норбой иккимиз тайёрлаган, устоз таҳрир қилиб берган бу тушунтириш хати бутун бошли бир тадқиқот эди. Унда Чўлпонни ётиғи билан – аниқ далил-исботлар, рад этиш мумкин бўлмаган илмий асослар орқали дадил ҳимоя қилинганини эслаб бугун хайрон қоламан...

Замон шитоб билан ўзгариб борарди. 1986 йил 7 февралда Марказқўм котиби Раъно Абдуллаева хузурида таниқли адабиётшунос ва тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида ўтган кенгашда университетдан Озод ака билан мен ҳам таклиф этилган эдик. Унда, жумладан, Чўлпон меросини ўрганиш, чоп этиш масаласи кўтарилди,

бу хусусда қизғин мунозаралар бўлди, одатдагидек Ю.Султонов, Ҳ.Абдусаматов, К.Яшин Чўлпон асарларини нашр этилишига қарши чикдилар, Э.Каримов билан О.Шарафидинов қатъий туриб, Чўлпонни ҳалққа қайтариш пайти келганлигини айтдилар. Баҳс-мунозара авжига чиққан дақиқаларда собиқ марказқўмнинг идеология бўйича котиби Ҳабиб Турсунов сўз олди. Нотиқ Раъно Абдуллаева-га мурожаат этиб: “Бир вақтлар мана шу хонада кўп нохуш воқеалар бўлган, қанчадан-қанча бегуноҳ ижодкорлар устидан ҳукм ўқилган. Яшин ака, яшириб нима киламиз, Сизу биз Қодирий, Чўлпонларнинг муҳлиси эдик, Чўлпон шеърларини ёд билардик... Шунга қарамай, замон сиёсати йўлини тутганмиз, шунга мажбур бўлганмиз. Ўша йилларни ўйласам, юрагим тош қотади, кечалари ухломай тўлғаниб чиқаман” дея кўзига ёш олди. Нотиқ гап орасида Чўлпоннинг кўп машҳур сатрларини ёддан айтди. Қизик, боя Чўлпон хусусида кескин танқидий гаплар айтган Яшин домла нотиққа қўшилиб у тилга олган сатрларнинг давомими ни ёддан айтарди...

Бу ҳол анжуманга ажиб рух бахш этди. Мажлисда ҳеч қанақа қарор қабул қилинмади, аммо ғишт қолипдан кўчганлиги – Чўлпон муаммоси руҳан ўз-ўзидан ҳал этилгани аён эди. Орадан роппа-роса икки йил ўтиб, “Шарқ юлдози”-нинг 1988 йил 2–3-сонларида “Кеча ва кундуз” романи Озод аканинг каттагина сўзбошиси билан эълон этилди. Устоз ташаббуси ва таҳрири остида 1991 йили “Яна слдим созимни” тўплами чоп этилди, кўп ўтмай Чўлпоннинг уч жилдлик “Асарлар”и нашрга тайёрланди, Чўлпон адабий-танқидий маколалари ҳамда буюк шоир замондошлиари хотираларидан иборат “Адабиёт надир?” китоби нашрдан чиқди. Миллий университет ҳузурида Қодирий ва Чўлпон ижодини тадқиқ этувчи илмий марказ ташкил этилди; филология фанида биринчи бўлиб Чўлпон шеърияти, адабий-танқидий қарашлари ҳақида номзодлик диссертациялари

тайёрланди, истеъодли ёш адабиётшунос Д.Куронов истиқлолнинг дастлабки ойларида “Кеча ва кундуз” романни бўйича номзодлик диссертациясини, 1997 йили эса Чўлпон насли поэтиласига доир докторлик диссертациясини ҳимоя килди. Ёш олимнинг устоз ва камина тархири остида “Шарқ” нацириётида чоп этилган “Чўлпон насли поэтиласи” китоби чўлпоншуносликнинг муҳим ютуғи сифатида эътироф этилди.

Қаердадир ўкиб эдим: буюк зотлар зиммадаги тарихий миссиясини адо этмагунча бу фоний дунёдан кетмайдилар. Тарихда бунга мисоллар күп. Улуғ сиймо Озод аканинг тақдидири хам буни тўла тасдиклайди. Энг қийин дақиқаларда ҳам ҳаётбахш умид туйғуси устоз кўнглини тарк этмади. Қандайdir сирли-сехрли илоҳий куч кўнглига ҳамиша далда бериб турарди. Устоз Чўлпонни юзага чиқариш учун роппа-роса ўттиз йил бетиним курашди. Шу туфайли унинг табаррук бошига не-не савдолар тушмади, дейсиз. Озод аканинг умр йўлдопи Шарофат опа бу хил охири кўринмайдиган можаролардан тўйиб кетиб, бир гал: “Ўша Чўлпонни тинч қўйинг энди, ахир биз ҳам одамларга ўхшаб яшайлик” деганини эшитганман. Бироқ келин ойи Озод акани бу йўлдан асло қайтариш мумкин эмаслигини яхши биларди. Аслида, дунёда уни аҳдидан қайтарадиган кучнинг ўзи йўқ эди.

Мен күл кузатганман: устоз гарчи ҳаётда диний-исломий шартларга унчалик риоя этмаса-да, руҳан Аллоҳнинг ҳақлигига, кудратига ишонарди. Қаранг, 1958 йилдан бошланган саъй-ҳаракат, эзгу орзу-ният, Яратгандан сўраган илтижолари ўттиз йил ўтиб 1988 йилдан рўёбга чика бошлиди, 1994 йили чоп этилган миллий танқидчилигимизнинг ноёб намунаси “Чўлпонни англаш” рисоласида улуғ шонирни рўёбга чиқариш йўлидаги жонбозликлари, кўнгил розларини, дарду дунёсини тўкиб солишга эришди. Чўлпоннинг ашаддий рақибларидан бири бир гал катта кетиб: “Озод

акангизга айтинг – овора бўлмасин. Мен тирик эканман, совет ҳокимияти бор экан, Чўлпон ҳеч қачон юзага чиқмайди!” деб эди. Аллоҳ қароматини қарангки, совет ҳокимияти ҳали қуламай туриб, ўша арбоб тириклигида Чўлпон юзага чиқа бошлади. Бу ҳол бандай ожиз учун абадий сабоқ бўлиб қолажак.

Фақат Чўлпон масаласида эмас, юқорида эслатилганидек, замонавий адабий жараён бобидаги курашларда, баҳсу мунозараларда охир-оқибат устоз ҳақ бўлиб чиқди, буни Аллоҳнинг саховати, савоб ишлари учун ажри-мукофоти деб биламан.

Озод ака миллат ўғлонлари орасида энг кўп китоб йиқкан, ўқиган зиёлилардан. Жаҳон адабиёги, фалсафаси, санъати соҳасидаги билмдонларнинг энг билимдони эди. Мамлакатимизда “Иностранный литература” типидаги она тилимизда журнал бўлишини орзу қиласарди. 1997 йили шу орзуси ушалди, “Жаҳон адабиёти” журнали ташкил топди. Омадни қарангки, бу янги журналга Озод аканинг ўзи муҳаррир этиб тайинланди.

Аллоҳ бандасини унга ҳам баҳт-омад бериб, ҳам дард бериб, бошига ғам-андух солиб синайди, дейишади. Зўр иштиёқ билан тайёрланган “Жаҳон адабиёти”нинг илк сони чиқкан куни Озод ака касалхонада оғир жарроҳлик амалиётини бошдан кечирди, бир оёғидан жудо бўлди. Орадан бир мунча вақт ўтиб иккинчи ва учинчи жарроҳлик олорациялари, дард устига чипқон деганларидек, қизилўнгач ва кўз хасталиклари келиб қўшилди. Томоғидан сув ҳам ўтмайдиган пайтлар бўларди, матнларни маҳсус лупа орқали ўқирди. Домла тўққиз йил давомида бу хил хасталиклар билан мардона олишди, кўп вақтлари касалхонада ўтди. Ақл бовар қилмайдиган ҳолат: шу ҳолда фикрлашдан, ижоддан бир дақиқа тўхтамади, хатто уйқусида, тушида ҳам ишлади, аввало, журнал фаолиятини маҳорат билан бопиқарди, унинг муҳаррирлигида “Жаҳон адабиёти”нинг

роппа-роса 100 та сони тайёрланди; бир етук таржимон умр бўйи адо этиши мумкин бўлган ишни – юздан ортиқ роман, кисса, ҳикоя, адабий-танқидий мақолалар, эссе, очеркларни таржима килиб эълон этди. Боз устига асосий ҳунари – танқидчилик фаолияти барқ уриб ривож топди. Устоз одатдагидек соф профессионал соҳаси доирасида чекланиб қолмай, қайноқ ҳаёт жараёни ичида жўшиб, миллат дардига дармон, миллат фидойилари билан ҳамкору ҳамдам бўлиб яшади. Узинг матбуот сахифаларидағи, радио ва телевидениедаги ҳар бир чиқиши, мардона сўзи эл оғзига тушди, одамларни тўлкинлантириди. Энг муҳими, бу йиллари яратган асарлаур жамланиб, “Ижодни англаш баҳти” ва “Довондаги ўйлар” номи остида китоб ҳолида нашр этилди. Бу иккита китобга жо бўлган адабий-танқидий мақолалар, эсселарни илк китоби “Замон – қалб – поэзия” билан солиштириб кўринг – йигитликдаги ҳарорат, жўшқинлик, фикр терандилиги кексаликда ҳам заррача сусайгани йўқ.

Озод аканинг кўп умри қафасдек тор “дом”ларида ўтди. Оғир хасталикка чалинган кезлари баҳт-омади кулиб умр бўйи орзу қилган нияти ушалди, Қибрай туманидаги Геофизиклар маҳалласидаги кенг ва кўркам боғ ҳовлига кўчиб ўтди. Етти йил давомида бу маскан бамисоли Л.Толстойнинг Ясная полянадаги мулки сингари ижодий зиёлиларнинг саждагоҳига айланди. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, чет эл элчиноналаридан келиб турадиган муҳмонлар, вақтли матбуот, радио ва телевидение муҳбирларининг кети узилмасди. Бу хонадонга ташриф буюрган, Озод ака сухбатини олганларнинг ҳар бири бир дунё таассусот билан кетарди.

Шуниси борки, устоз, ўз навбатида, “ўзбекчилик” деб аталган меҳр-оқибатни жойига кўяр, ижод ва илм ахли, дўсту биродарларнинг тўю маракаларида ҳамиша ҳозири нозир эди. Тошкент бу ёқда қолиб оғир хаста бўлишига

қарамай, Чимкент, Самарқанд ва Фарғона водийсига дўстлар қўнгли деб сафарларга чиқарди.

Озод аканинг шу хил инсоний фазилатлари, табиийки, аввало ижодий шижаоти туфайли танқидчилигимизнинг нуфузи, обрў-эътибори бениҳоя кўтарилди, мунаққид номи Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Сайд Аҳмад, Одил Ёкубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари сўз усталари қаторида эҳтиром билан тилга олинадиган бўлди; танқидчилар орасида биринчи бўлиб “Буюк хизматлари учун” ордени ва Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

Ниҳоят, устоз Аллоҳнинг раҳмати ёғиладиган рамазони шарифнинг биринчи тонгида осонгина омонатини топширди. F.Ғулом, Ойбек сингари машҳур сиймолар вафот этганида сафарда эдим. Ижод одамининг бу қадар катта дағн маросимини кўрган эмасман. Ўша куни Геофизиклар маҳалласига одам сиғмай кетди, жанозага келганлар сафи Қибрайдан то Чигатой қабристонигача чўзилди. Жанозани Муфти ҳазратларининг ўzlари ўқиди. Озод ака устози А.Қаҳҳорнинг шундоқкина рўпарасида абадий маскан топди.

Устоз маслакдошларидан бири шоир Асқад Мухторнинг мана бу сатрларини ниҳоятда хуш кўрар, руҳан ўзининг хаётдаги шиори санарди:

*Мен дунёга келиб дунё орттиридим
Ҳаммасини ташлаб кетарман.
Қалбни эса сўнгги ҳужайрасигача
Ловуллатиб ёндириб кетарман.*

У аҳдида қатъий турди, сўнгги нафасигача ижоддан, ҳак сўзни айтишдан тўхтамади, қалбининг кичик бир ҳужайраси қадар ловуллатиб ёндириб миллат, адабиёт равнақи йўшида фидо этди.

Биз каби шогирдларга таскин берадиган жиҳати шундаки, устоз қалби ёлқини – ярим аср порлаган маёқ зиёси индан баҳраманд бўлғанлар қўнглида ҳеч қачон сўнмагай.

ИЖОД ВА ШИЖОАТ

Дунёда мукофоту унвонларнинг тури кўп. Аммо бутун бошли мустакил мамлакатнинг, озод халқнинг қаҳрамони деган номга сазовор бўлиш буюк шараф. Озод Шарафиддинов адабиётшунос-танқидчилар, умуман, олим зиёлилар орасида биринчилардан бўлиб мустакил Республикализнинг энг олий мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлди. Республикамиз биринчи Президентимизнинг бу ҳақдаги фармони эълон этилганда бутун илмий-адабий жамоатчилик Озод акани бу кутглуғ мукофот билан чин дилдан кутлаган, яқдиллик билан у Қаҳрамон деган унвонга хар жиҳатдан муносиб деган гапни айтган эдилар.

1999 йили “Университет” нашриёти Озод Шарафиддинов тугилган куннинг 70 йиллиги муносабати билан замондошлирининг дил сўзларидан иборат тўшлам чоп этган эди. Китоб “Матонат ва мұхаббат” деб номланган. Мана шу икки сўзда устоз Озод Шарафиддиновнинг асосий хислатлари мужассам бўлган. Дарҳақиқат, Аллоҳ берган беназир исьеъдод соҳиби бўлмиш бу одам, Қодирий ибораси билан айтганда, “шахси бутун“ зот, матонатли, шиҷоатли, мард, довюрак инсон эдилар. Қалби ҳаётга, одамларга, эл-юртга, дўсту биродарларига, шогирдларига, китобга, сўз санъатига бу қадар меҳр билан ёнган саховатли шахс кам топилади. Унинг онгли умр йўли, ярим асрдан ошиқ ижтимоий, ижодий фаолияти улкан мұхаббат билан йўғрилган матонат ва шиҷоатлар силсиласидан иборат.

Озод Шарафиддинов адабиёт, адабий танқид майдонига ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида, мамлакатда мустабид тузум адабий сиёсати қисман юмшаган, эркинлик шабадалари эса бошлаган бир пайтда кириб келди. Ўша кезлари адабий ҳаётда, бадиий тафаккур, жумладан, танқидчиклик ривожида янги бир тўлқин бошланди. Озод ака ана шу

тўлқиннинг олдинги сафида борди, сўз санъатидаги соғлом кучлар, умидбахш тамойилларнинг, навқирон истеъдодларнинг кашфиётчиси ва ҳимоячиси сифатида танилди. Унинг “Лирика ҳақида мулоҳазалар”, “Замон – қалб – поэзия”, “Ниҳоллар” мақолалари шеъриятни, умуман, адабий жараённи янгича англаш, идрок ва талқин этишининг ёрқин на муналари эди. Мунаққид адабиётимиз осмонида митти юлдузлар – Эркин Вохидов, Абдулла Ориповлар пайдо бўлганида – бу истиқболи порлок чин истеъдодларни танқидчиликда илк бор кашф этди, уларни янги ижодий парвозларга руҳлантириди. Устоз ва сафдошлари – Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Максуд Шайхзода, Миртемир, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров каби даврнинг пешқадам адиблари қалами остидан чиқкан деярли ҳар бир янги асар Озод ака нигоҳидан ўтиб, сўнг дунё юзини кўрар, матбуотда бу синчков мунаққиднинг одилона баҳосини олар эди. Айни пайтда, мунаққид устози Абдулла Қаҳҳордан руҳланиб адабиётдаги халтурага, ўртамиёнчиликка қарши мардона кураш олиб борди. 40–50-йилларда кенг тарқалган ўта сиёsatлашган, нуқул мустабид тузум мафкураси тарғиботига қаратилган, курук риторика, ваъзхонликдан иборат “шеърият”нинг авра-астарини очиб ташлади, улардан кўплаб намуналар келтириб, “Шеърми шу асарлар, поэзия борми уларда?” деган кескин саволни кўйди ва теран илмий таҳлил, рад этиш мумкин бўлмаган далил ва мантиқ асосида “йўқ!” дея жавоб бера олди. 50–йиллар шароитида бундай фикрни айтиш мислсиз жасорат эди. Чунки кескин танқид остига олинган “шеърлар” муаллифлари унча-мунча ҳаваскор қаламкаш эмас, даврнинг донгдор шоирлари эдилар, бунинг устига ўларнинг танқид остига олинган асарлари “гоявий” жиҳатдан сиёsatга тўла мос эди.

Озод Шарафиддиновнинг XX аср янги ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёsat тазиёки ва таҳдидлари туфай-

ли топталган тарихини тиклаш, қатағон қилингани адиблар меросини халққа қайтариш йўлидаги жонбозликлари айни илмий-ижодий жасоратнинг чин намунасиdir. Мустабид тузум шароитида бундай кураш ва шижаотлар қанчалар қимматта тушганлигини, эҳтимол, хозирги ёш авлод яхши билмас. Мунаққид “Тобутдан товуш” комедияси ҳақидаги илҳом ва эҳтирос билан ёзилган мақоласи, мафкуравий-сиёсий жиҳатдан “номақбул” шеърлар муаллифлари Э.Воҳидов, А.Ориповга устозлик қилгани учун таъна-дошномларга учради, унинг мухарриргида чоп этилган “Тирик сатрлар” тўплами, А.Қаҳҳорнинг “Ёшлар билан сұхбат“ китоби қатағонга учради, оловда ёкилди. Чўлпон шеърияти, замонавий адабий жараён, қатор назарий масалаларга оид илмий муроҳазалари, адабий анжуманлардаги дадил чиқишилари жиддий “сиёсий хато”ликда айбланиб, мунакқиднинг кутлуг номи бадиом этилди... Мен шу каби сансаноқсиз ноҳуш воқеа-ҳодисаларнинг, таъқибу таҳдидларнинг барчасига бевосита шоҳидман. Бу хил кетма-кет зарбалар унинг дилини қанчалар вайрон қилганлигини қўриб ўзим ҳам эзилганман. Агар мундоқроқ одам бўлганида биринкии зарбадан сўнг аллақачон адабиёт, фан, танқид майдонидан этак силтаб кетган бўлар эди. Бироқ устоз танидаги, руҳидаги мислсиз матонат, чексиз ҳаётсеварлик туфайли бу ҳўрликларни енга олди, аҳдидан, танлаган йўлидан қайтмай шижаот билан илмий-ижодий, педагогик фаолиятини давом эттирди.

Ниҳоят, истиқлол кунлари келди. Озод Шарафиддинов сингари заҳматкашлар елкасига ҳам офтоб тегди. Унинг янги босқичдаги илк машғулоти – ўттиз йиллик орзу-армони Чўлпонни юзага чиқаришдан бошланди. “Кеча ва кундуз” романи мунаққид сўзбошиси билан қайта дунё юзини кўрди. Унинг раҳбарлигига Чўлпоннинг аввал бир жилдлик, сўнг уч жиддик асаллари нашрга тайёрланди. Чўлпон ижоди тадқиқига бағишлиланган илк диссертация-

ларга раҳбарлик қилди; Чўлпон адабий меросига оид кўплаб мақолалар, иккита рисола яратди. Айниқса, “Чўлпонни англаш” асари маънавий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Бу эссе мустабид тузум шароитида қадр топмаган беназир истеъдод, XX аср шеъриятининг ёркин юлдузи тўғрисидаги аср ижодий зиёлиларининг ўзига хос қалб нилоси, ҳасби ҳоли, армон, афсус-надоматлари ифодасидир. Адабий таълимнинг янги даврини бошлаб берган мактаб адабиёт дастури, олий ўқув юртлари учун “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги (1999) янги миллий адабиётмизнинг истиқлол руҳи билан йўғрилган илк илмий тарихи сифатида қадрлидир. Шу тариқа устоз ўзига хос ўзбек миллий танқидчилик мактабига асос солди. Ҳозир бу мўътабар мактабнинг ўнлаб истеъдодли давомчилари бор.

Озод Шарафиддинов жисмонан ва руҳан ҳар қанча соғлом, матонатли бўлмасин, узоқ йиллик мунтазам тазиик, таҳдид, камситишлар барибир ўз асоратини кўрсатди: 90-йиллар ўрталарига келиб у оғир дардга чалинди, икки бор жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказди, оёгидан ажралди, бунинг устига бошқа хасталиклар кўшилди. Ўша оғир дамларда юртбошимиз унинг ҳолидан хабар олиб, унга ҳар жиҳатдан далда бериб турди, “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирлади. Мунаққиддининг 70 ёшлик юбилейи муносаб бир тарзда ўтди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этилиши ва журналга О.Шарафиддиновнинг бош муҳаррир этиб тайинланиши аллома фаолиятида янги саҳифа очди.

Улкан эҳтиром, ишонч-эътибордан руҳ олиб, кексалиги ва хасталигига қарамай, мислсиз ғайрат-шижот билан ижодий ишга киришди. Аввало, журнал бош муҳаррири сифатида моҳир ташкилотчи эканини намойиш этди. Бу журнал миллат фарзандларини жаҳон билан, жаҳон адабиёти дурдонлари билан таништириш бобида қанчалар савоб ишлар қилгани адабий жамоатчиликка аён. Шуниси муҳимки,

журналнинг деярли ҳар бир сонида Озод аканинг ё роман, ё кисса, ё драма, ё публицистик, адабий-танқидий мақолалар таржимаси зълон этилиб турди. Мутаржим шу йиллар давомида бир улкан таржимон умр бўйи адо этиши мумкин бўлган ишни аъло даражада бажарди. Бугина эмас, шу давр мобайнида устознинг жамоатчи, публицист сифатида истеъдодининг янги қирралари очилди. Бу алломанинг турли анжуманлардаги, радио ва телевидениедаги мунтазам чи-кишларида, газета ва журналлардаги публицистик мақолаларида замоннинг ўткир долзарб муаммолари нақадар дадил, ҳалол ва билимдонлик билан ўртага қўйилганлигига ҳаммамиз бевосита гувохмиз. Бундай чикишлар неча бор муносиб тақдирланди ҳам.

Устознинг янги босқичдаги ижтимоий, ижодий фаолияти нақадар хилма-хил бўлмасин, биринчи галда, у мунаққид, адабиётшунос адаб сифатида ўзининг янги сўзини айтди. Мунаққиддинг истиқлол йилларида чоп этилган рисола, мақола, эссе ва адабий сұхбатлари янгиланаётган замонавий миллий адабий тафаккурнинг ёрқин намуналаририд. Уларнинг аксарияти сарҳисоб, ҳасби ҳол характерига эга. Мустабид тузум адабий сиёсатининг тафаккурдаги асоратларидан дадил воз кечиб, XX аср янги ўзбек адабиёти тарихини янгила қайта идрок этиш, таҳлил ва талқин қилиш, қолаверса, умуман, бадиий ижодни, ижодкор шахсини, инсон зотини шўро даврида шаклланган андозалардан ҳоли умумбашарий мезонлар асосида туриб чин инсоний, илмий англаш – О.Шарафиддиновнинг янги босқичдаги адабий-танқидий ишларига хос энг муҳим хислатлардир. Босиб ўтилган йўлни, адабиётимиз тарихи ва адабларимиз ижодини тубдан қайта баҳолаш, янгила талқин этишга чоғланар экан, мунаққид нукул кимларнидир қоралаш, ўзгаларга маломат тошларини ёғдириш йўлидан бормайди; табиийки, мутгаассиб, жоҳил кимсаларнинг қатағонлар замонидаги қора ишларини, кечириб бўлмас гуноҳларини асло унутмай-

ди; айни пайтда, мунаққид бизни чин истеъдоллар қисмати, ижодидаги машъум замона асоратлари билан боғлик ҳолатларни тушунишга, уларни чин дилдан тўгри англашга ундаиди.

Адабиётшунос олимнинг кирқ йиллик фаолияти шўро замонида кечди. Гарчи ўша йиллари ҳам мунаққид, боя айтилганидек, ҳақиқат ва адолат йўлида мардона кураш олиб борган бўлса-да, барибир чархи кажрафторнинг турфа ўйинларида озми-кўпми иштирок этган. Ижодкор одам учун ўз айбини тан олиш, ўзининг умр ва ижод йўлини мардона туриб тафтиш ва таҳлил этиш, ундан ибратли сабоқлар чиқариш ҳам савоб иш. Аслида ўзликни англаш ҳам ижодкор учун улкан баҳт! Ўзини англамай туриб ўзгаларни англаш мумкин эмас. Бу борада ҳам О.Шарафиддинов ҳамкасб тенгдошларига ибрат бўларли жасорат кўрсата олди. “Эътиқодимни нега ўзгартирдим” бадиаси бунинг ёркин исботидир.

Устоз асарларига хос яна бир муҳим фазилат шуки, у бирор адабнинг ижодий тақдирни ёки алоҳида асари ҳақида баҳс юритар экан, муаллифнинг фикр-мулоҳазалари факат шу адиб, шу асарларгагина оид бўлиб қолмасдан, давр адабий жараёнига дахлдор бўлиб чиқади, миллий адабиёт ривожидаги муҳим, жилдий ҳодиса-тамойиллар мөхиятини очишга қаратиласди. Чунончи, “Чўлпонни англаш” рисоласидаги беназир истеъдол қолдирган ноёб адабий мероснинг етмиш йиллик машаққатли қисмати, шоир шаъннининг топталиши бутун бир давр, тузумнинг иллати, фожиаси, миллатнинг кўргилиги тарзида талқин этилади. Ҳамза ҳакидаги тадқиқотида эса, бу улкан адабнинг сохта усуслар билан улуғланиши – бир хилдаги қизил ранглар билан чулғаб бирёқлама талқин этилиши аслида унга нисбатан ҳурмат эмас, ҳақорат, бўхтон эканлиги очиб берилди. Мустабид адабий сиёсатнинг қабиҳлиги шундаки, у чин истеъдолларни қоралаш, шаънини топташ бобида эмас, “улуглаш”

ишида ҳам жиноят йўлидан борган. Тадқиқотда мана шу шафқатсиз ҳақиқат бутун даҳшати билан кўрсатилади. Фигратга сид мақолада бу улуг мутафаккирнинг биргина асари “Ҳинҷад саёҳи” таҳлили орқали адабнинг миллат, тарих олдидаги буюк хизмати очиб берилади; мазкур асар ўз даврида жадидчилик ҳаракатининг дастури – манифести бўлғанлиги таъкидланади.

Мунаққиднинг замонавий адабий жараён, мустақиллик даври адабиётiga бағишлиган адабий ўй, сухбатларида ўт-кир баҳсли муаммолар кўтарилади, одатдагидек, бу масалалар хусусида ҳам фақат устоз айтиши мумкин бўлган дадил гаплар ўртага ташланади. Бугунги адабиётнинг қаҳрамони давр авзойгига қараб тадбиркор бўлиши керак деган даъвollar ўртага қўйилаётган бир пайтда, олим сўз санъати учун қаҳрамоннинг ҳаётдаги мавқеи, касб-кори эмас, биринчи навбатда, шахс жумбоги, моҳияти, бадиий талқини, бу борадаги ижодкорнинг янги гапи муҳимлигини таъкидлайди. Шўро ҳокимияти йилларида ягона соцреализмдан бошқа ижодий оқимлар, жумладан, модернизм кескин рад этилган эди. Истиклол туфайли бизда ҳам хилма-хил адабий мактаблар ривожи учун шароит ҳозирланди, модернистик тамойиллар адабий ҳодиса тусини ола бошлади. Адабий тандидчиликда бу ҳодисага ўта маҳлиё бўлиб кетиш, ўринли-ўринсиз уни химоя этиш, ёки, аксинча, ақидапарастларча уни миллий заминга ёт, зарарли ҳодиса сифатида кескин рад этиш ҳолларига дуч келдик. Адабиётшунос олим модернизм XX аср миллий адабиётимиз учун бегона эмаслигини, бугунга келиб унинг етакчи тамойилларидан бирига айланиши замон тақозоси, табиий ҳол эканини таъкидлаш билан баробар уни жўн талкин этишдан бизни огоҳлантириди, бу жағаённи бутун мураккаблиги, зиддиятлари, мусбат ва манғий томонлари билан бор ҳолича холисона таҳлил ва талқин этишга ундейди.

Озод Шарафиддинов умрининг сўнгти йилларида публицист, хотира-эссе наравис сифатида танилди. Сўз санъати дарғалари, устоз адиблар, қаламкаш дўстлари, шогирдлари, шунингдек, илм-фан, маърифат аҳли, жамоат арбоблари ҳақида бири биридан гўзал бадиалар яратди. Уларни бемалол бу жанрнинг замонавий жаҳон адабиётидаги энг яхши на-муналари қаторига қўйиш мумкин. Эсселар қаҳрамони муаллифга шахсан таниш, дилига яқин одамлар бўлгани сабабли, айни ўша шахсий даҳлдорлик, ёрқин хотидалар асарларга ажиб самимият бахш этади, бу асарлар сахифаларидан замондош алломаларнинг сиймоси бор бисоти, бутун жозибаси билан кўз олдингизда гавдаланади, улар худди бадиий асар каби шавқ билан ўқилади. Уларда ёрқин ва ҳазин хотидалар, сокин ва жўшқин фикр-туйғулар бамисоли тоғ сойлари оқими сингари табиий бир тарзда кўйилиб келади, қирғоқларни ларзага солиб шиддат билан олға интилади. Дарвоке, бу тур асарларда устоздаги илмий танқидий тафаккур билан бадиий истеъдод ўзига хос тарзда туташиб кетган. Муаллиф эссе қаҳрамонлари ижодини, асарларини батафсил талкин ва таҳлил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Улар илмийликка, “адабий портрет”ликка даъво қилмайди. Биринчи навбатда, муаллифни асар қаҳрамонларнинг шахсияти, қанақа одамлиги қизиқтиради, Ойбек ибораси билан айтганда, “гапи қанақа”, “юриши қанақа”, “қилиғи қанақа” – шуларни қаламга олади. Айни пайтда, улар фаолиятига, ижодига, асарларига хос нозик, бетакрор кузатишлиарини ҳам йўл-йўлакай изҳор этади. Чунончи, “Faafur Fуломнинг кулгиси” бадиасида буюк шоир табиатига хос ҳазилкашлик, қувноқлик, сўз ўйинлари, топкирлик каби хислатларини таърифлар экан, шу билан баробар ҳазил-мутойиба – юмор аллома адиб учун ўша тоталитар режим замонида қалтис вазиятлардан эсон-омон чиқиб кетиш воситаси бўлганлигини эслатади. Абдулла Қаҳҳорга бағишланган эсселарида эса адиб табиатига хос юксак ма-

даният, жиддийлик, қатъият, оилада, тор давраларда ҳам, минбарда, кенг жамоатчилик олдида ҳам факат ҳақиқатни айтиш одатига ургу беради. Зулфияга бағишиланган асарда шоира табиатидаги зукколик, нафосат туйғуси, умумжахон миқёсида фикр-мулоҳаза юритиш хислатлари очилади. “Кибриё опанинг ҳолваси” бадиасида опа табиатида Шарқ, хусусан, форс-тожик мумтоз адабиётининг улкан билим-дони, жамоатчи бўлган бу аёлнинг оилада чинакам бека, улкан бир адебнинг садоқатли умр йўлдоши, “эр изнидан чиқмайдиган” малика, тенги йўқ пазандалиги кўплаб ҳаётый далиллар орқали кўрсатилади. “Мувашшах”да олим Абдулла Орипов билан илк танишувдан тортиб қирқ йиллик мулоқотлари, сафарлардаги кузатишларини ҳикоя қилали. Айниқса, шоирнинг Япония сафари таассуротлари, Ориф бобо ва Турди момо ҳақидаги дил сўзлари, оддий китобхон Мансурхўжа ҳикояси эссега ўзгача файз бахш этади.

Эсселардаги ижодкор шахсига, умуман, инсон зотига ёндашув усули, тарзи замонавий адабиёт учун принципиал аҳамиятта эга. Шахсга ижтимоий ёндашув устувор бўлган кезларда асарда персонажнинг ижтимоий мавқеи, ҳодисаларнинг ижтимоий моҳияти ҳал қилувчи аҳамият касб этар эди. Жаҳон тараккийпарвар адабиёти тажрибаси шахс социал ҳодиса бўлиши билан баробар сирли, сехрли хилқат, унинг табиати, ҳаёти ҳеч қанақа қолипларга сифмайдиган ажиб бир жумбоқ эканини бот-бот исбот этмоқда. Устоз бадиаларида каламга олинган ижодкорларнинг ҳар бири шахс сифатида жумбоқ; муаллиф мана шу жумбоқни ўзича англаш, тушуниш, ўзгаларга тушунтириш йўлидан боради. Биргина мисол. Кибриё опанинг ота-оналари, улар оиласининг ғаройиб тарихи ҳақидаги ҳикояни эсланг. Улар оила куришганда куёв 56, келин эса 18 ёшда бўлган. Шўро даври тасаввури бўйича, шу фактнинг ўзиёқ кескин қораланишга лойиқ: бу феодал одат, ёшларида сал кам қирқ йиллик фарқ бўлса-да, уларнинг никоҳланишни, оиласи фожианинг айни

ўзгинаси. Мана шу “феодалларча тенгсиз никоҳ” асосига курилган оиляда узоқ йиллар тутув ҳаёт давом этган, ажо-йиб маданий-маърифий рух барқарор бўлган, бири-биридан гўзал, етук фарзандлар, жумладан, Кибриё опадек Шарқ ва Фарб маданиятини ўзида мужассамлаштирган баркамол аёл етишиб чиқкан.

Устознинг “Нутқ” эссеси бу жанрнинг биздаги энг жиддий ютуғи дейиш мумкин. Ҳар қандай танқидчи-эссенавис бутун ижодий фаолияти давомида лоақал битта шундай асар яратишни орзу килиши табиий. Эссе Одил Ёқубовнинг собик шўролар даврида Халқ депутатлари қурултойида сўзлаган машхур нутки, улкан жасорати таҳлилига бағишиланган. Гап шундаки, бадиада бор-йўғи 8–10 минутлик нуткнинг моҳияти, XX аср миллий-ижтимоий тафаккур тарихидаги ўрни, маънио-миқёси, таъсир кучи теран таҳлил этиб берилган. Эссени ўқиб, унда келтирилган ёзувчининг “Мен бутун ижодимни тарозининг бир палласига кўйсам, иккичи палласига ана шу нутқимни кўйган бўлардим” деган сўзлари асло муболаға эмаслигига амин бўласиз. Ёзувчи бу нутқида халқ дардини ёниб изҳор этган Чўлпон, Қедирий, А.Қаҳҳор, Ҳ.Абдуллаев сингари халқимизнинг жасур ўғлонлари анъаналарини давом эттириб, янги босқичга – юксак минбарга олиб чиқди, ўзбек ижодий зиёлилари ичida ҳам жасур, хақгўй, адолатпарвар, юксак даражада тафаккур кила оладиган сиймолар борлигини кенг жамоатчилик олдиди намойиш этди. Энг муҳими, бу нутқ ёзувчининг ҳаётда оқ-корани танигандан буён кўксисда тош бўлиб чўжиб ётган, қалбини ўртаган, неча ўйлаб асарлари бағрига кўчиб ўтган эл-юрт, миллат ғами ҳақидаги ўй-мушоҳадаларининг ўзига хос мужассами, минбарда кўксисдан отилиб чиқкан ёлкини эди. Бу нутқка у гўё бутун умри давомида тайёргарлик кўрган эди.

Маълумки, эссе – эркин, субъектив, андозаларни тан олмайдиган публицистик жанр. Рух эркинлиги, фикр эркин-

лиги, ижод эркинлиги мавжуд бўлғанда гина, у ўзлигини тўла намоён эта олади. Устоз табиатан ижодкор сифатида гўё эссе учун туғилган эди. Унинг умри поёнидаги жўшқин ижоди, ноёб истеъоди айни шу жанрда ёрқинрок ва тўлароқ намоён бўлгани тасодифий эмас. Айниқса, асар учун олинганд мавзу – асос билан ижодкор шахсияти, дили, кўнгил рози, орзу-армонлари бир-бирига мос тушган ўринларда бадиадаги публицистик талқин бамисоли қўшиқдай янграйди, асар санъат даражасига қўтарилади. “Нутқ” – бунинг ёрқин бир исботи. Юқоридаги айрим кузатиш ва мулоҳазалар Озод Шарафиддиновнинг сўнгти йилларда яратган адабий-танқидий асарлари, сухбат ва бадиалари мустақиллик даври миллий адабиётимизда, маънавий ҳаётимизда жиддий ҳодиса бўлди, дейиш учун тўла асос беради. Улар истиқлол баҳш этган жўшқин илҳом, эркин ижод имкониятлари самарасидир.

2004

МУНАҚҚИД ЖАСОРАТИ

2019 йил бахор айёмида таваллудининг 90 йиллиги нишонланаётган Озод Шарафиддинов ярим асрлик меҳнат ва ижод фаолияти давомида муаллим-мураббий, мунакқид, публицист, таржимон, муҳаррир сифатида миллат маънавий-маданий ҳаётида ёрқин из колдирди. Биринчи Президентимиз айтганларида, у ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан юргдошларимиз, авваламбор, ёшлиаримиз учун ибрат намунасига айланган эди.

Бу улкан зотниңг мустақиллик йилларида, айниқса, оғир хасталикка чалинган кезларидағи ижодий шиҷоати тарихда сийрак учрайдиган ноёб ҳодиса. Шу йиллар давомида яратган асарларининг ўзи ярим асрлик бой ижодий меросининг учдан икки қисмини ташкил этади. Яна бир характерли жиҳати, дард билан олишувлар асносида қоғозга тушибган битиклар ҳаётга, эл-юрга, адабиётга чексиз меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилгандир. Устоз ижодий фаолияти ва меросининг ҳар бир қирраси алоҳида олам; фаслият соҳаларининг ҳар бирида бу зот, чунончи, бир етук муаллим ёхуд бир етук публицист, таржимон, муҳаррир умри давомида эришиши мумкин бўлган мақомларга кўтарила олди. Аммо унинг адабиёт илми, адабий танқид соҳасидаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор.

Мунакқид Озод Шарафиддинов миллий танқидчилик майдонига, Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, чакмоқдек яшнаб, момокалдироқлек гулдурос солиб кириб келди, ярим аср давомида у танқидчилигимизнинг карвон-бошиси бўлиб қолди; унинг саъй-ҳаракати туфайли танқидчилигимиз тарихида туб бурилиш, янги босқич бошланди, ўзига хос мактаб яратилди. Бу мактаб аҳамияти, кўламини тасаввур этиш учун ўша пайтга қадар танқидчилигимиз босиб ўтган йўлга, ўша кезлардаги вазиятга бир қур назар

ташлаб ўтايлик. Гарчи адабиётшунослик бобида бой таж-рибаларимиз бор бўлса-да, замонавий танқидчилик бизда кейинроқ, ўтган аср бошларида майдонга келди. Бошда мунаққидлик вазифасини янги адабиётнинг асосчилари Қодирий, Чўлпон, Фитрат, кейинроқ, Ойбек, А.Қаҳхордек сиймолар адо этдилар. Бироқ улар янги замон адабий ҳаракати учун бу кифоя қиласлигини, маҳсус профессионал танқид ҳам зарурлигини яхши билардилар. Уларнинг малакали мунаққидлар тарбиясига нақадар катта эътибор берганликлари тарихдан маълум. Бунинг учун Абдулла Қодирийнинг Сотти Ҳусайнга, Чўлпоннинг Вадуд Маҳмудга бўлган умиди, эътиборини эслаш кифоя.

Минг афсус, шўро адабий сиёсати, мамлакатда авж олдирилган синфий-мафкуравий курашлар жазаваси туфайли ўтган асрчинг 20-йилларида истеъдодли мунаққид сифатида тан олинган Вадуд Маҳмуд сиёсий жазаваларга дош беролмай, ганқид майдонини эрта тарк этди. Бошда чин нафосат каашшофи сифатида танила бошлаган Абдураҳмон Саъдий, Абдулла Қодирий катта умид боғлаган Сотти Ҳусайн вульгар социологизм йўлига тушиб олдилар. Бошқаларнинг қисмати ҳам деярли шу хилда кечди. Танқид чин истеъдодни, чин санъат асарини, гўзалликни кашф этишдек бош вазифасидан чекиниб, гоявий-синфий, сиёсий демагогия йўлига тушиб олди. Янги ўзбек адабиётида пайдо бўлган ноёб истеъдодларни, ноёб санъат дурдоналари – Чўлпон, Ойбек, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон лирикаси, “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён”, “Сароб”, кейинроқ “Кутлуғ қон”, “Навоий”, “Жалолиддин” сингари асарларни китобхон байрамдек хуш кабул қилди, аммо жоҳил танқид “найза” кўтариб қарши олди; барчаси ур-калтак қилиниб, улар устидан сиёсий хукмлар ўқилди. Бу хил жабрдий-даларни ҳимоя қилиш ўта хатарли эди ўша кезлари, яъни 30-йиллар жазаваси пайтида бу мудҳиш компанияга қарши буюк сиймә Ойбек “Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-

йиқитчиликка қарши ўт очайлик!” дея ҳайкириқ билан чиқди. Аммо унинг наърасини эшитадиган бир зот топилмади. Аксинча, жасур адабнинг ўзи “ур-калтакчи”ларниң хамласига дучор бўлди. Бу жазава гоҳ кўтарилиб, гоҳ бир оз юмшаб ўтган аср ўрталарига қадар давом этди. Шу тарика, айрим истисноларни, масалан, X. Ёкубов ва А. Алимухамедовнинг баъзи мақолаларини ҳисобга олмагандаги, адабий танқид ўттиз йил давомида зиммадаги бош вазифасини адо этолмади, асосан, чин истеъдодлар, асл асарлар шаънини топтаб, қатағонлар “тегирмони”га ашё тайёрлаб бериш билан банд бўлди.

Мустабид хукмдор вафотидан кейин жамият маънавий ҳаётида юз берган ўзгариш, нисбий иликлик, эркинлик шабдалари таъсирида миллий адабиётимиз ривожида бошланган янги тўлқин, янги авлод ижодкорлари сафида мунаққид Озод Шарафиддинов ҳам бор эди. Ёш мунаққид ана шу тўлқиннинг олдинги сафида борди, биринчи қадамлариданок сўз санъатидаги соғлом кучлар, асл асарлар, умидбахш тамойилларнинг, навқирон истеъдодларнинг кашфиётчиси ва ҳимоячиси сифатида танилди, шу билан баробар, адабиётдаги халтурага, ўртамиёначиликка қарпи мардона кураш олиб борди. У ўзининг бу ижодий принципларига умрининг охирига қадар содик қолди. Дабдабали номлар билан аталган, жимжимадор ташбеҳлар билан тўлиб-тошган мағзи пуч асарларнинг асл башарасини очиб кўрсатишда давом этди. Эҳтимол, у айрим ҳолларда баҳони ошириб-роқ юборгандир, аммо, энг муҳими, бутун фаолияти давомида бу улуғ олим бирорта ҳам чин истеъдод билан битилган асл асарни аёвсиз танқид остига олган эмас. Бирорта ҳам ёрқин истеъдод шаънига тегадиган сўз айтгани йўқ. Унинг мунаққид сифтидаги энг катта баҳти, омади ана шунда. Мунаққиднинг “Замон – қалб – поэзия”дан кейинги ўзи учун энг ардоқли сўнгги китоби “Ижодни англаш баҳти” деб аталиши бежиз эмас. Устоз айни шу хил ноёб фази-

латлари туфайли ижод аҳли қалбига йўл топди, узоқ йиллар ёзувчи билан танқидчи ўртасида ғов бўлиб келган “темир девор”ни қўпориб ташлади, ёзувчи билан мунакқид бир-бирини тушуниб, англаб, бир-бирини эъзозлаб яшши, бир тилда сўзлашиши мумкин эканлигини амалда кўрсатди. Шу тариқа у ҳам устоз, ҳам тенгдош, ҳам ёпи қаламкашлар ардогига бирдек сазовор бўлди. Унинг айни шу хизматлари туфайли адабий танқидчилигимиз мартабаси юксакликка кўтарилиди.

Замонавий адабий жараён тадқиқи билан баробар устознинг XX аср ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёsat туфайли топталган тарихини тиклаш, қатағон килинган адиблар меросини ҳалққа қайтариш, хусусан, Чўпонни юзага чиқаригу йўлидаги жонбозликлари айни илмий-ижодий жасоратнинг чин намунасиdir. Бу йўлда у ўттиз йил бетиним кураш олиб борди, ниҳоят истиқлол шабадалари эса бошлигар паллага келиб, эзгу умидлари ушала бошлиди; унинг раҳбарлигида Чўлпоннинг аввал бир жилдлик, сўнг уч жилдлик асарлари нашрга тайёрланди, Чўлпон ижоди бўйича ёзилган илк диссертацияларга раҳбарлик қилди, ниҳоят катор тадқиқотлар, хусусан, “Чўлпонни англаш” деб аталган ҳам тадқиқот, ҳам достон деб аташга лойик ўзига хос асар яратди.

Жаҳон адабий-танқидий тафаккури янгиликларидан муентазам хабардор, ҳеч қанақа қолипларни тан олмайдиган, чия маънодаги эркин, озод ижодкорнинг бетакрор, ўзига хос жўшкни ва латиф овози, услуби, ифода тарзи ҳам танқидчилигимизда ноёб ҳодисадир. Адабиётшунос олим, айниқса, сўнгти йиллар ижодида илмий тафаккур билан бадиий ижодкорликни моҳирона ўйғунлаштиришга муваффақ бўлди. Айни шу йўналишда битилган қатор бадиа-эсселари худди етук бадиий асардек шавқ билан ўқилади.

Устознинг истиқлол ғояларини рўёбга чиқариш йўлларидаги жонбозлиги, жамоат арбоби, “Жаҳон адабиёти”

журнали бош муҳаррири сифатида амалга оширган ишлари ҳам маънавий жасоратнинг ёркин намуналаридир. Унинг бевосита муҳаррирлигига чикқан “Жаҳон адабиёти”нинг 100 та сони, адабий жамоатчилик эътироф этганидек, бутун бошли университет бажариши мумкин бўлган улкан вазифани адо этди. Унинг таржимон сифатидаги фаолияти ҳам ардоққа лойиқ.

Шуни ҳам унугмаслик керакки, адабиётшунос олимнинг салкам ўтгиз беш йиллик фаолияти шўро замонида кечди. Гарчи у ўша йиллари давр тазикини ва таъқибларини мардона енгиб ўта олган бўлса-да, барибир чархи кажрафторнинг турфа ўйинларида у ҳам озми-кўпми иштирок этган. Ўша кезлари яратган асарларида замон асоратлари қандайдир кўринишда ўз зухурини қолдирган. Ижодкор одам учун ўз айбини тан олиш, ундан ибрагти сабоқлар чиқариш ҳам савоб иш. Аслида ўзликни англаш ҳам ижодкор учун улкан баҳт. Ўзини англамай туриб ўзгаларни англаш мумкин эмас. Бу борада ҳам устоз жасорат кўрсата олди. “Эътиқодимни нега ўзгартирдим” бадиаси бунинг ёркин исботидир.

Хулоса шуки, бу табаррук сиймо озод мамлакатнинг чин фарзанди, қаҳрамони сифатида мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди, забардаст мунаққид сифатида зиммасидаги буюк миссияни тўла-тўқис адо этишга мұяссар бўлди. Устознинг кутлуғ тўқсон ёшлиқ кунларига етиб келслмаганилиги унинг яқинлари учун бир армон бўлиб турибди. Кишига таскин берадиган жиҳати шундаки, истиқтол ѹилларида унинг миллат, миллий маънавиятимиз, адабиётимиз олдидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланди, ҳаётлик чоғида Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, ва-фотидан кейин ҳам у худди тириклигидагидек эл-юртнинг ардоғидадир. “Ижодни англаш баҳти”, “Довондаги ўйлар” китобларининг Республика Давлат мукофотига сазовор бўлиши, аллома тугилган куннинг мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланаётгани шу эҳтиромнинг мантикий давомидир.

УСТОЗНИНГ БИР ШИЖОАТИ ХУСУСИДА...

Истиқлол арағасида республикамизда янги раҳбарият ташаббуси билан адабий таълимни тубдан янгилаш ҳаракати бошланган эди. Айни шу мақсадда тузилган ишчи гурӯхнинг бевосита янги – XX аср ўзбек адабиёти тарихи билан шуғулланувчи аъзолари – О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Б.Назаров, Қ.Йўлдошев ва камина зиммасига ғоят жиддий ҳамда ўта масъулиятли вазифа юкланди. Шўро адабий сиёсати туфайли адабиёт тарихидан бадарға этилган Кодирий, Чўлпон, Фитрат каби улкан сиймоларнинг топталган шаънини тиклаш, шу билан баробар, бундан-да мушкулроқ масалани ҳал этиш – “шўро адиблари”, “соцреализм намояндадари”, табиийки, улар рўйхати бошида турган Ҳамза ижодий меросини шўровий талқинлардан тозалиб, бор ҳолича холис илмий тарзда ўқувчиларга, колаверса, кенг жамоагчиликка етказиш лозим эди.

Ошкоралик жазаваси оқибати ўлароқ, ўша кезлари дарсларидан муким ўрин олган шўро адиблари, уларнинг ижод намуналарига нисбатан нописанд муносабатлар, ҳамлалар, уларни таълим даргоҳларидан бутунлай бадарға этишга даъватлар авжида эди. Ана шундай мураккаб шароитда илмий гурӯҳ вазминлик билан оқилона йўл тутди. Бунда устоз Озод Шарафиддиновнинг маслаҳатлари ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғида кечган қизғин мулоқотлар чоғи устоз куйиб-пишиб айтган мулоҳазалар, келтирган далил-исботлар ҳамон ёдимда. “Табаррук адабий сиймоларимиз, улар қолдирган адабий мерос, жумладан, шўро даври адабиёти бошида турган Ҳамза теварагида шу хил ногисанд танқидий гаплар чиқишига Ҳамза эмас, ўзимиз, ҳамзашунос олимлар айбдор, – деган эди. – Ҳамза “инқилоб куйчиси”, “ўзбек адабиётида соцреализмнинг асосчиси”, “шўро адабиётининг яловбардори” сифатида шу қадар кўкларга кўтарилдики, энди уни ана

шу аршидан тушириб, ўз ўрнига қўйиш пайти келди. Ўзи ёзмаган сатрларни, асарларни унга ёпишириш фирт бемаънилиқ. Ҳамза бунга муҳтоҷ эмас. Қолаверса, ясама пардозандозларга ҳам ҳожат йўқ. Муаллифлигига шубҳа йўқ асарларининг ўзиёқ уни адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олишига тўла асос беради. Биласизлар, Абдулла Қаҳхор ўз вақтида сохта йўллар билан Ҳамзани қўтар-кўтар қилишга кескин қарши чиққан эди. Бир адабий йиғинда у Ҳамзанинг янги миллий адабиётимиз, айникса, бадиий тил равнақи йўлидаги хизматларини эътироф этган ҳолда катта жасорат билан “Ҳамза бамисоли янги йил арчаси сингари ҳар хил ялтир-юлтирлар билан безалиб ташланаётгани”ни танқид қилган эди. “Мумтоз” деб ном олган азаматнинг битта сўзини алмаштириб бўлмас эди. Ҳамзани мумтоз деб қўтаратётганлар бутун бошли асарини қайта ёзиб ҷикиб, тепасига унинг номини қўйишдан ор килмаяптилар! Бехос Ҳамза тирилиб қолиб, бу ишдан огоҳ бўлса, юраги ёрилиб қайта жон таслим қилган бўлар эди...” Жасур адиб шу сўзларни айтганида, залда ўтирганларнинг бирортаси лом-мим дея олмади. Аммо ўша кундан бошлаб, пана-пастқамда адиб теварагида гивир-шивир, фисқу фасодлар авж олди, жасур адибни “Ҳамзанинг душмани”га чиқариши. Ҳатто бир шоир “Ҳамза душманларига жавобим!” сарлавҳали шеър битди. Биз танқидчи-адабиётшунослар эса кўра билib, жим туравердик. У даврлар ўтди-кетди. Энди жим туриш мумкин эмас. Ҳамзанинг рухини тинччиш учун ҳам уни адабиётимиз тарихидаги ўз ўрнига қўйишимиз керак...”

Шу мuloҳазалар асосида бир тўхтамга келиб илмий гурух амалий ишга ўтди. Дастлабки қадам тарзида мактаб адабиёт дастури, шу дастур асосида яратилган 11-синф дарслигига Ҳамза ижоди янгича талқин этилди, кейинпроқ олий ўкув юртлари учун мўлжалланган “XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслигига бундай талқин янада такомиллаштирилди. Дастлабки пайлар устознинг ўзи бошчилик

қилган “20–30-йиллар ўзбек адабиёти тараққиёти муаммалари” давлат гранти илмий режасига “Ҳамза ижодий меросининг янгича талқини муаммоси” ҳам киритилди ва бу мавзуда қатор хайрли ишлар амалга оширилди, жумладан, каминанинг “Янги бир анъананинг туғилиши”, “Холислик хосияти” мақолалари устоз тавсияси бўйича ёзилган эди.

Нихоят, устознинг ўн йилдан ортиқ давр давомида Ҳамза шахсияти, ижодий мероси тақдири устидаги бетиним ўй-мушоҳадалари самараси ўлароқ “Истибод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир” сарлавҳали асари майдонга келди. Асар дастлаб “Тафаккур” журналининг 2000 йил 3-сонида эълон этилди, сўнг “Ижодни англаш бахти” китобига киритилди. Китобда мазкур асарнинг “Истиклол нурларида эврилаётган адабиёт” туркумидаги Чўлпон, Фитрат ҳамда жадид адабиётига бағишланган мақолалар қаторида берилиши тасодифий эмас.

“Истибод қурбони” устознинг ўша кезлардаги асарларига хос жўшкин публицистик рухда битилган, бадиа-эссе жанри имкониятларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф қўнглида кечган ўй-мушоҳадаларни эмин-эркин тўкиб солиш йўлидан борган. Бу ерда гап фақат асарнинг ифода тарзи устида бораётгани йўқ. Энг муҳими, “Истибод қурбони” муаллифининг муаммога кутилмаган янги томонлардан ёндашганлиги, миллӣ адабиётимиз яқин ўтмиши манзаралари хусусидаги мавжуд тасаввурларни остин-устин килиб ташлагани билан қимматлидир. Аввало, “инқилоб фидойиси” саналмиш Ҳамзанинг миллат эрки, озодлиги йўлида жон фидо этган “миллатчи”, “аксилинқилобчи”, “халқ душмани” сифатида катагон этилган Чўлпон, Фитратлар қаторига қўйиб – у ҳам “истибод қурбони” эканига даъво этиш фанда ҳазилакам жасорат эмас! Бундай қарашни адабиётшунос олим шунчаки даъво қилиш билан чекланмай, асар давомида уни атрофлича исбот этишга интилади; шўро даврида шоир ҳақида шаклланган сохта тасаввурлар илдизини очиб беради, турли-туман инқилобий ёрлиқлардан поклаб,

бу улкан адибнинг асл сиймосини китобхон кўз олдида гавдалантиришига чоғланади ва бунга эришади ҳам.

Мақолада таъкидланганидек, Ҳамза ҳаёглик чоғида, 20-йиллар адабий мухитида сафдошлари Қодирий, Чўлпон ва Фитрат қаторида юрган, ўкув қўлланмаларига киритилган, ҳатто вафотидан кейин 30-йиллар биринчи ярмида ҳам алоҳида мавқега эга бўлган эмас. Нега 30-йилларнинг охирига келиб, у бирдан совет адабиёти машъалига айланди-қолди? Муаллиф, аввало, шу жиддий саволга жавоб излайди. “Инсоният тарихида янги давр очган”, “эзилган миллатларга эрк, озодлик ҳадя этган” октябрь инқилобига йигирма йил тўлган экан, у миллий адабиёт ривожида ҳам “буюк ўзгариш” ясаган бўлиши, октябрни чин дилдан олқишилаб асарлар битган, октябр йўлидан мардона борган адиллар етишиб чиқсан бўлиши даркор эди-ку! Қани улар? Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби ўша давр миллий адабиёт даргалари “инқилоб душманлари” сифатида қатл этилган бўлса, уларга қарши туриб шўро адабиётини яратган инқилоб куйчиси бўлмоғи керак, бунаقا куйчи адабиёт майдонида топилмаса, уни янгидан ясан керак! “Хуллас, – деб ёзади муаллиф, – ўша йилларда бу ролга Ҳамзадан муносаброқ одам топилмади. Шундай қилиб, шоирни ўзлигидан маҳрум қилиб, оддий бир қўғирчоққа айлантириш жараёни бошланди. Бошқача айтганда, ўз вақтида омади келиб, шўроларнинг қатли омидан омон қолган Ҳамза кейинчалик ҳукмрон мафкура манфаатлари йўлида қурбон қилинди”.

Адабий ҳодисаларга, ижодкор шахсияти ва меросига марксча-ленинча синфий-партиявий ёндашиш фақат яроқсиз ғайриилемий методгина бўлиб қолмай, у ёлғон-яшиқлар, сохталиклар, хаттоки жиноятлар учун ҳам йўл очиб бериши мумкинлигини Ҳамза қисмати мисолида яққол кўриш мумкин. “Истибод қурбони” муаллифи Ҳамзанинг дунёқараши, октябрь инқилобига, жадид адиллари ва жадидчилик харакатига муносабати каби муаммоларнинг шўровий тал-

кинлари устида қизғин баҳслар юритади. Эҳтимол, устоз мулоҳазаларида мунозарали ўринилар ҳам бордир, бироқ улар Сизу бизни фикрлашга ундаши билан кимматлидир. Шўровий талқинга кўра, Ҳамза октябрь инкилобига тайёр марксист сифатида етиб келган, уни зўр қувонч билан кутиб олган, ҳеч канака иккиланишларсиз шўролар томонида туриб унинг ҳимояси йўлида кураш олиб борган ва шу йўлда қурбон бўлган. Асарда бу хил даъволарнинг ёлғонлигини исботловчи кўплаб далиллар келтирилади. Уларга қўшимча равишда яна айрим характерли ҳолатларни келтириш мумкин. Абдулла Қодирий “Таржимаи ҳол”ида октябрь арафасидаги ижтимоий вазият хусусида тўхталиб шуларни ёзади: “Аммо айтига оламанки, ўша вакъларда бизнинг Туркистонда (бу кунги Ўзбекистонда) коммунизм, умуман, социализм маслакидан тублик маълумотга эга бўлған киши йўқ, бўлса ҳам эҳтимолки, битта-яримта бўлғандир. Шунинг учун мен ўзимни бу тўғрида, умуман, Ўзбекистон ишчи-дехконларидан ва бу кунги масъул ва ғайримасъул ишчиларимизнинг ўша тарихидаги ҳолларидан юқори ўринга қўя олмайман... Буюк октябрь инкилобини ҳам шу йўсун онгсиз миллат ичидаги қаршиладим” (“Диёри бакр”, 372–373-б.). Бу суд олдидаги айтишган мардона эътироф! Тошкентдек шахри азимда, факат Ўзбекистон эмас, Туркистон элининг ижтимоий-сиёсий жаҳёнлар ўчогида яшаб қизғин фаолият олиб борган ҳақиқатгўй адабининг эътирофи! Самимий бу эътироф айрим ақидапараст танқидчиларга қўл келди, уни “Қодирий дунёкарашидаги ожизлик”ни тасдиқловчи хужжат сифатида дастак қилиб олдилар.

Кези келиб қолди, шу ўринда бир воқеани эслатиб ўтсам. 1973 йили шўро даври адабларининг таржимаи ҳолларини ўз ичига олувчи “Адабиётимиз автобиографияси” китоби тайёрланди. Тўплам қўллэзмаси муҳокамаси чоғи унга Абдулла Қодирий таржимаи ҳоли киритилмагани хусусида эътиroz билдирилди. Шунда китоб тўпловчиси Қодирий-

нинг юқорида келтирилган сўзларини эслатиб, бу ҳақиқатга зид, сиёсий хато, ўша кезларда бизда Ҳамза сингари етук онгли марксистларнинг борлигидан кўз юмиш; бинобарин, бундай хужжат Ҳамза таржимаи ҳоли ёнида туриши мумкин эмас, дея катъий ҳукм чиқарган эди. Ҳолбуки, Қодирийнинг мана шу эътирофлари битилган “Таржимаи ҳоли” аллақачон матбуотда эълон этилган, 1969 йили чиқкан “Кичик асарлар” тўпламига киритилган, уни ҳеч ким “сиёсий хатолик”да айблашга тили бормаган эди.

Ўша даврда ҳам озми-кўпми билардик, ошкоралик йилларига келиб, ҳаммаси ошкор бўлди: шахсан шўро ҳокимияти дохийси Ленинга ниҳоятда якин, у билан ҳамкору ҳамфикр бўлган, фаолиятини, асарларини ўқиб, кузатиб борган М.Горкийдек адаб октябрь тўнтаришидан кейин дохий юргизган сиёсат ҳақида қанчалар кескин “бемаврид” танқидий гаплар айтган, мудом иккиланишлар оловида изтироб чеккан. Наҳотки, бизнинг Ҳамза ижодкор сифатида ҳеч иккиланмай октябрь, шўролар шаънига ҳамду санолар ёғдириш билангина чекланган бўлса?! Шоирнинг октябрдан кейин бир жойда кўним тоғмай, сарсари кезиниши, пировардида, айрим сафдошлари каби компартия сафидан чикарилишининг ўзиёқ кўп нарсадан дарак беради. Агар синчиклаб кузатилса, ўша фожиавий йилларнинг ижодкор қалбидаги акс-садоси асарларида уфуриб турганлигини пайқаш кийин эмас. Озод домла таъкидлаганлариdek, бошқа сафдошлари каби Ҳамза ҳам дастлаб шўро дохийларининг миллий ўлкаларга эрк, озодлик бериш хусусидаги ваъдаларига ишониб, октябрни шарафловчи асарлар ёзди, шўро идораларида фаол хизмат қилди. Ҳамзанинг инқилобий руҳдаги шеър, драмалари сафдошлариникига қараганда кўпроқ ва изчилроқ экани ҳам ҳақиқат. Аммо ваъдалар коғозда қолиб кетаётганлигини, зулм-хақсизлик аввалгидан баттар давом этаётганлигини кўриб, у ҳам сафдошлари каби изтироблар оловида қоврилди; шўро даври фожиаларини

акс эттирувчи асарлар битди; шўровий-инқилобий руҳдан холи драмалар ҳам яратди. Буниси ҳам ҳақиқат. Устоз Ҳамзанинг октябр инқилобига, шўролар сиёсатига муносабати талкинларида бўлгани каби ўз даврининг жиддий ҳодисаси – жадидчилик ҳаракагидаги ўрни, диний-исломий эътиқоди ҳақида ҳам дадил гапларни ўртага ташлайди. Улар билан танишганда яна бир карра амин бўламизки, мурраккаб тарихий силсилашар паллаларида яшаб ижод этган улкан адаблар шахсияти, меросини факат кутбларга ажратиб, қатъий тарзда у ёки бу ижтимоий ҳаракатнинг намояндаси сифатида талқин этишдан эҳтиёт бўлиш даркор экан. Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, улкан истеъдод эгалари ҳеч қачон бирор ижтимоий ҳаракат, адабий оқим доирасига сифмаган, сифмайди ҳам. Фикрловчи инсон, айниқса, ижодкор ҳеч қачон олдиндан белгилаб қўйилган чизик бўйлаб юрмайди, юрмаган. У мудом изланади, ўзини тафтиш этиб боради, янги йўллар қидиради. Бу йўлларда у гоҳо излаганини топади, гоҳо йўқотади. Чин ижод аҳлининг қисмати шундай. Жумладан, Ҳамза ижодий бисотида маърифатчилик, жадидчилик руҳидаги асарлар билан баробар шўровий мағкура билан йўғрилган драма ва шеърларни ҳам истаганча топиш мумкин. Муайян даврларда у талай диний-исломий руҳдаги асарлар битган, айни пайтда, ислом динимизга қарши “жиҳоди акбар” эълон этилган кезлари “жанговар атеизм” жазаваси балқиб турган дахриёна сатрлар ҳам тўқиган. Ҳам анъанавий, ҳам янгича – модерн йўлларда асарлар яратган. Сизу биз ижодкорни бор ҳолича кўриш, англашга бурчлимиз. Шундай қилинганда ижодкорни идеаллаштиришга ҳам, камситишга ҳам асло ўрин қолмайди. Ижодкор бисоти бор ҳолича кўрсатилганда гина, унинг инсоний жозибаси очилади, ижодий меросининг чин қиммати аён бўлади.

“Истибдод курбони” шу азалий ҳақиқатдан бизга оқилона сабоқ бериши билан ғоят қадрлидир.

2009

МУНОСИБ ЭЪЗОЗ

(Озод Шарафиддинов таваллудининг
80 йиллигига бағишиланган кечада сўзланган нутқ)

Такдир такозосини қарангки, устоз Озод Шарафиддиновнинг ҳаётлигига 70 ёшлик тўйи Миллий академик театримиз биносида нишонланган эди. Мана энди вафотидан сўнг унинг 80 йиллик хотира кечаси ҳам шу муҳташам бинода ўтди. Бу тасодифий эмас.

Шарафиддиновлар оиласи Кўкондан Тошкентга қўчиб келиб Эскижува мавзеидан маскан топганда, 8 ёшлик Озоджон Эскижува бозорининг эмас, хонадонидан ярим чақирим нарида жойлашган Академик театримиз ва “Турон” кутубхонасининг кунда-шундасига айланди. Бу икки кутлуг маънавият маскани ўспирин тақдирида ўчмас из қолдирди. 30—40-йиллари театр саҳнасида намойиш этилган барча саҳна асарларини у тақрор-тақрор томоша қилди. Айникса, “Хамлет” спектакли унинг жону дили эди. Ҳамлетнинг “Ё ҳаёт, ё мамот” монологи бир умрга қалбида муҳрланиб қолди. Илк томоша чоғи кулогига қуйилиб қолган Ҳамлет монологини умр бўйи ёддан айтиб юарди. Айни пайтда, у икки йил давомида “Турон” кутубхонасидаги ўзбек тилида чоп этилган барча мавжуд бадиий асарларни хатм қилиб чиқди. Сўнг рус тилидаги китоблар дунёсига шўнғиди... Мирзо Бобур шеърлари мутолааси чоғи улуғ шоирнинг Ҳамлет сўзларига оҳангдош мана бу сатрлари ҳам ёш китобсевар қалбини асир этди:

*Кўнгли тилаган муродга етса киши,
Ё борча муродларни тарк этса киши.
Бу икки иши мұяссар ўлмаса оламда,
Боини олиб, бир сорига кетса киши.*

Ёш Озодбек катта ҳаётнинг бошидаёқ кўнгли тилаган мурод йўлида кураш йўлини ташлади. Ким бўлсам экан, деган муаммо унинг учун аллақачон ҳал этилган эди. Сўз

санъатига шайдолик уни миллий университетнинг филология факультетига бошлади, сўнг Москва Адабиёт институти аспирантураси, яна жонажон университет даргоҳи унга кучоқ очди. Салкам 40 йил шу даргоҳда домлалик қилди.

Ўтган аср 50–йиллари ўргаларида адабий танқид майдонига кириб келар экан, 30–40-йиллари шўро адабий сиёсати туфайли вуљгар социологизм оғуси билан заҳарланган чин истеъдод соҳибларини, асл асарларни топташга қаратилган танқид йўлидан кескин воз кечиб, биринчи қадамлариданок сўз санъатидаги соғлом кучлар, асл асарлар, умидбахш таъмойилларнинг, навқирон истеъдодларнинг кашфиётчиси ва ҳимоячиси сифатида танилди. Устоз айни шу хил фазилатлари туфайли ижод ахли қалбига йўл топди, узок йиллар ёзувчи билан танқидчи ўртасида ғов бўлиб келган тўсикларни қўпориб ташлади. Шу тариқа, у миллий танқидчиликимиз тарихида туб бурилиш ясади, ўзига хос танқидчилик мактабига асос солди.

Устознинг ўттиз беш йиллик фаолияти мустабид тузум шароитида кечди, унинг улуғ мақсадлар йўлидаги жонбозликлари қандай қийинчиликлар, таъкибу тазийклар ичida кечганлиги ижод ахлига яхши аён. Айниқса, Чўлпонни юзага чиқариш йўлида 30 йил давомида олиб борилган курашлар тарихи мислсиз шижоатнинг намунаси. Ҳар қандай таъкибу тазийклар уни кўнгли тилаган муродидан асло қайтара олмади.

Устознинг энг катта баҳти шундаки, кўнглидаги эзгу ниятларини тўла амалга оширадиган кунларни кўриш, мустақиллик даврида яшаб ижод этиш, хусусан, ўзининг икки маънавий қаноти – Чўлпон меросини ҳалкка қайтариш, устози Қахҳор шаънини тиклашдек хайрли бурчни адо этиш унга насиб этди. Мустақилликнинг 15 йили давомида, умрининг кейинги 8 йиллик оғир хасталик ҷоғида амалга оширган ишлари адабиёт тарихидаги ноёб ҳодиса. Биринчи Президентимиз қарори билан таъсис этилган “Жаҳон ада-

биёти” журнали устоз бош мухарриргида чоп этила боилианди ва бу ишнинг унинг шогирдлари давом эттирдилар. Бугун бир университет бажарини мумкин бўлган улкан миссияни адо этиб, устоз айни даврда публицист ва жамоат арбоби сифатида ҳам танилди. Истиқлол ғояларини амалга ошириш ишига жони-жаҳонини баҳш этди. Карапки, 15 йил давомида битган асарлари 50 йиллик ижодий меросининг тўртдан уч қисмини ташкил этар экан. Ҳисоб-китобларга кўра, таржималарини ҳам қўшганда, устознинг ижодий мероси 20 жилдга жо бўларкан. Ҳозирча бизда Навоий ва Ойбек асарларининг 20 жилдлиги чиқсан. Учинчи 20 жилдлик устозга насиб этса ажаб эмас.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мустакиллик йилларида гина устоз ҳакиқий қадрини тогди, “Буюк хизматлари учун” ордени, Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди, вафотидан кейин “Ижодни англаш баҳти”, “Довондаги ўйлар” китоблари учун унга давлат мукофоти берилди. Устоз бугун ҳам худди тириклигидагидек эъзозда.

Нихоят, яна бир ҳолатни эслатиб ўтсам дейман. Бутун умри, фаолияти давомида “элим деб, юртим деб” ёниб яшаб ўтган бу жасур сиймо ўз устози Абдулла Қаҳхор каби ўлимни ҳам мардона туриб қарши олди. Аллохниң раҳмати ёғиладиган рамазон ойининг биринчи куни тонгда кўнгли тилаган муродлари ҳосил бўлганидан, садоқатли умр йўлдопи Шарофат опамиз билан ўtkazган кунларидан мамнун ҳолда, сўнгги дақиқаларига қадар тилдан қолмай, фикрлашдан тўхтамай, яқинлари қуршовида омонатини осонгина топширди.

Тилагимиз шуки, устознинг охирати обод бўлгай, иншооллоҳ!

2009

ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ

Устоз Озод Шарафиддинов адабиёт, адабий танқид майдонига ўтган аср 50–йилларининг ўрталарида, мамлакатда мустабид тузум адабий сиёсати қисман юмшаган, эркинлик шабадалари эса бошлаган бир пайтда кириб келди. Ўша кезлари адабий хаётда, бадиий тафаккур, жумладан, танқидчилик ривожида янги бир тўлкин бошланди. Озод ака ана шу тўлкиннинг олдинги сафида борди, сўз санъатидаги соғлом кучлар, умидбахш тамойилларнинг, навқирон истеъдодларнинг каашфиётчиси ва химоячиси сифатида танилди. Устоз ва сафдошлари – Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мақсад Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Сайд Аҳмад, Аскад Мухтор, Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров каби даврнинг пешқадам адиллари қалами остидан чиқкан деярли хар бир янги асар Озод ака нигоҳидан ўтиб, сўнг дунё юзини кўрар, матбуотда бу синчков мунаққиднинг одилона баҳосини олар эди. XX асрнинг 40–50-йилларида кенг тарқалган ўта сиёсалашган, нуқул мустабид тузум мафкураси тарғиботига қаратилган, қуруқ риторика, ваъзхонликтан иборат “шеърият”нинг авра-астарини очиб ташлади, улардан кўплаб намуналар келтириб, “Поэзия борми бу асарларда?” деган савол кўйди ва теран илмий таҳлил, рад этиш мумкин бўлмаган далил ва мантиқ асосида “йўқ!” дея жавоб берди. XX асрнинг ўрталаридағи оғир бир шароитда бундай фикрни айтиш мислсиз жасорат эди...

Озод Шарафиддиновнинг XX аср янги ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёсат тазикини ва таҳдидлари туфайли топталган тарихини тиклаш, қатагон қилинган адиллар меросини халқка қайтариш йўлидаги жонбозликлари айни илмий-ижодий жасоратнинг чин намунасидир. Чўлпон шеърияти, замонавий адабий жараён, қатор назарий масалаларга оид илмий мулоҳазалари, адабий анжуманлардаги дадилчиқишилари жиддий “сиёсий хато”ликда айбланиб, мунак-

қидининг кутлуг номи бадном этилди. Бироқ устоз руҳиятидаги мислсиз матонат, чексиз ҳаётсеварлик туфайли бу хўрликларни снга олди, ахдидан, танлаган йўлидан қайтмай шижаот билан илмий-ижодий ва педагогик фаолиятини давом эттириди.

Нихоят, истиқлол, устознинг ўз исмига мос чин озодлик кунлари келди. Неча йиллар кўнглида армон бўлиб ётган эзгу орзу-ниятларини рўёбга чиқариш имкониятлари очилди. Тўлиб-тошиб, ғайрат-шижаот билан амалий ишга киришди.

Аломат бир манзара: 2005 йили чоп этилган “Озод Шарафиддинов” библиографик кўрсаткичи маълумотларига кўра, устознинг чоп этилган адабий-танқидий, публицистик ва таржима асарларининг умумий рўйхати 616 та. Шулардан 200 дан ортикрофи 1991 йилгача, қолган 400 га яқини эса мустакиллик йилларида дунё юзини кўрган. Демак, ярим асрлик ижодий мероснинг учдан икки қисми истиқлол даврининг маҳсули. 2003 йили устоз айни шу истиқлол йиллари яратган сара асарларини жамлаб, икки жилдан иборат китоб қилишга киришди. Шогирдлардан А.Расулов, Р.Иногомов ва камина бу хайрли ишда устозга кўмаклашдик. Устоз оғир хаста бўлишларига қарамай, китоблар устида қанчалар масъулият ва талабчанлик билан иш олиб борганликларига шоҳид бўлдик. Қизиғи шундаки, китоб учун олдин мўлжаллаб кўйилган айрим асарлардан кўнгли тўлмай иш жараёнида улар ўрнига янги мақола, бадиалар ёзиб киритдилар. Дастлаб ҳар икки китобнинг умумий номи асарлар руҳига нихоятда мос – “Истиқлол илҳомлари” эди. Бироқ “истиқлол”дек муқаддас сўзни сусистеъмол қилишни истамай, китобларнинг ҳар бирига алоҳида номлар танладилар, “Ижодни англаш баҳти”, “Довондаги ўйлар” номлари шу тариқа майдонга келди. 2004 йили чоп этилган бу икки китоби маданий-маънавий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Ҳар икки китоб ҳам адабий-илмий жамоатчилик томонидан

юксак баҳоланди. Бу икки китобдан жой олган асарлар фақат адаб ижодида эмас, умуман, ўзбек миллий танқидчилиги, адабиёти, миллий адабий-танқидий, маънавий тафаккури тараққиётida алоҳида босқични ташкил этади. Истиқлол йиллағидаги тарихий, ижтимоий-маънавий, адабий жараёнларни бадиий-публицистик тадқиқ ва таҳлил этиш, истиклол ғояларини улуғлаш, қатъий туриб ҳимоя қилиш бу асарларнинг асосий маъно-мундарижасини, пафосини белгилайди.

Адаб истиклол даври ҳодисалари билан чекланмай, халқимизнинг истиклолгача босиб ўтган мураккаб тарихий йўли, XX аср талотумлари, аср бошидаги жадидчилик ҳаракати, учинг улкан намояндалари ҳаёти, ижодий мероси тўғрисида янгича қарашларни илгари суради; авваллари айтиш, ёзиш мумкин бўлмаган дил сўзларини яйраб-ёзилиб изхор этади. Хусусан, устознинг, юқорида эслатиб ўтилган Чўлпон, Ҳамза, Фитрат ҳақидаги ишлари фанда жиддий янгилик эканлиги кўпчилик томонидан эътироф этилди. Олимнинг шўро даврида мафкуравий-сиёсий тайзиқ остида яшаб ижод этган Ойбек, F.Гулом, А.Қаҳхор, М.Шайхзода каби сўз усталари ижодий меросини янгича идрок этиш, теран англаш, асоссиз ҳамлалардан ҳимоя қилишдаги хизматлари беҳиёсдир.

Хар икки китобда гап бутунги маънавий жараёнлар ёки яқин тарихий кечмиш муаммолари устида борадими, барibir, уларнинг ечими икки муҳим омилга келиб тақалади: йиғилиб қолган кўп йиллик жумбоқлар истиклол очиб берган имкониятлар ва истиклол меъмори биринчи Президентимиз И.Каримовнинг шиҷоати, саъий ҳаракати туфайли оқилона ҳал этилаётганлиги аниқ далиллар орқали кўрсатилади.

Аввалгиз китобларида О.Шарафиддинов, асосан, мунаққид тарзида кўринган бўлса, янги асарларида у ҳам мунаққид, ҳам публицист-ёзувчи, ҳам донишманд файласуф, жа-

моат арбоби қиёфасида намоён бўлади; мамлакит биринчи Президентидан тортиб Ойбек, Г.Ғулом, А.Қаҳхор, Зулғия, Сайд Аҳмад, О.Ёқубов, П.Қодиров, А.Ғуломов, О.Возижонов, А.Орипов каби неча ўнлаб замондошни адибларининг зеда коладиган ёрқин бадиий-публицистик сиймосини гавдалантиради, уларнинг жўшиқин фаолияти, тақдирни ўқувчини жайжонга солади, ўйга толдиради. Улар орқали муаллиф ўзининг замонаси, замондошлари, замон талотумлари ҳақиқати фалсафий ўй-мушоҳадаларини изхор этади. Уларни бемалол бу жанрнинг замонавий жаҳон адабиётидаги энг яхши намуналари қаторига қўйиш мумкин. Эсселар қаҳрамони муаллифга шахсан таниш, дилига яқин одамлар бўлгани, айни ўша шахсий дахлдорлик, ёрқин хотиралар асарларга ажиб самимият баҳш этади, бу асарлар сахифаларидан замондош алломаларнинг сиймоси бор бисоти, бугун жозибаси билан кўз олдингизда гавдаланади, улар худди балий асар каби шавқ билан ўқилади. Уларда ёрқин ва ҳазин хотиралар, сокин ва жўшқин фикр-туйғулар бамисоли төғ сойлари оқими сингари табиий бир тарзда қуишлиб келади, кирғоқларни ларзага солиб шиддат билан олға интилади. Дарвоке, бу тур асарларда устоздаги илмий танкидий тафаккур билан бадиий истеъдод ўзига хос тарзда туташиб кетган.

Бугина эмас, асарларида ижодкорнинг ўзи – шахсияти яққол намоён бўлади. Муаллиф фақат замондошлари эмас, ўзининг босиб ўтган йўли, ҳаёти, ижодий тажрибалари, армон-ўқинчлари, қалб қийноклари ҳақида ҳам ошкора, мардона хикоя килади. Китобларига бағишинланган тақриз ва муҳокамаларда, хусусан, адебнинг “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” бадиаси Ж.Руссо, Л.Толстой каби улуғ сиймаларнинг шу тур асарлари қаторида туриши эътироф этилди. Асарларида, қатор чиқишиларида муаллиф истиқлол қуичиси ва ҳимоячиси сифатида намоён бўлар экан, айни пайтда, у ўзини, замондошларини қийнаётган ҳаётий муаммолар

устида ҳам мардона сўз юритади. Шу тарзда у ҳақли ра-вишда “миллат виждони”, “Ватан фидойиси”, “хақиқат ва адолат курашчиси”га айланди. Қисқаси, сафдошларидан бири айтганидай, “бу китоблар мустакиллик шаҳодатномалари”.

О.Шарафиддинов асарлари аҳамияти халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилган. “HIMALAI” Ўзбек-Хинд қўшма корхонаси, “Embassy of Pakistan Tashkent”, Хинdistoch Республикасининг Ўзбекистондаги элчинонасидан йўлланган хатлар бунинг тасдиғидир. Озод Шарафиддинов китобларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (2007) билан тақдирланиши улкан адаб ва мунаққид ижодига, жасур, ҳакикатгўй курашчи инсонга тириклигидаги каби вафотидан кейин ҳам кўрсатилган чексиз эҳтиром намунасиdir.

2009

МИЛЛИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИМIZНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Адабий танқид, биринчи галда, гўзалликни ҳис этиш, англаш, кашф этиши санъати. Мунакқиднинг, қолаверса, адабий танқиднинг тарихий хизмати адабий-бадиий жараёнга, аникроғи, ундаги янги, илғор, самарали тамойилларга кўрсатган таъсири билан белгиланади. Адабий танқиднинг бахти, омади ҳам, бахтсизлиги, фожиаси ҳам айни шу жараёнда намоён бўлади. Тарихдан бир-икки мисол келтириб ўтсам.

XIX аср рус адабиётининг “олтин даври” деб аталади. А.Пушкин, М.Лермонтов, Н.Гоголь, А.Островский ижоди билан бошланиб, Л.Толстой, Ф.Достоевский ва Чехов дахоси мўъжизалари билан интиҳосига етган аср адабиёти ривожида В.Белинский, Н.Добролюбовдек буюк танқидчиларнинг накадар улкан хизмати борлигини ҳамма билади. Бу икки мунаққиднинг табаррук номлари ўша даҳо сўз усталари қаторида эҳтиром билан тилга олинади.

XX аср Европа адабиёти, санъати тараққиёти “модернизм” деб аталган ғоят улкан ранг-баранг, гаройиб, сирли-сехрли ва айни пайтда мароқли жараён тарзида кечди. Анъанавийликка зид бу ҳаракат ўз йўлида кўп тўсиқларга дуч келди, уни бадном этишга уринишлар бўлди. Бирок бу куттуғ ҳаракатнинг бахти, омади шундаки, унинг Ортега-и-Гассет, А.Камю, Ж.П.Сартр каби донишманд, жасур химоячилари, назариётчилари бор эди. Модерн адабиёт, санъат улардан мадад олиб башарият бадиий тафаккурида янги бир эра очишга мушарраф бўлди, жаҳон ахлига кутилмаган сон-саноқсиз бадиий ихтиrolарни инъом этди.

XX аср бошидаёқ ўзбек адабиёти туб янгиланиш жараёнини бошдан кечирди, яккаҳоким мафкура, мустабид тузум адабий-бадиий сиёсати таъкибу тазиикларига қарамай, бизда Абдулла Қаҳҳор сўзлари билан айтганда, Европа ада-

биёти, бинобарин, жаҳон янги адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли баркамол асарлар яратилди. Афсус, минг афсус, ана шундай ноёб асарларни, миллий адабиётдаги янги самарали жараённи англашга, илмий кашф этишга қодир адабий танқид шаклланмади. Шу тариқа танқидчилик чин санъат асари ҳимоячиси, илмий кашфиётчиси эмас, уларнинг кораловчиси, кушандаси, кўп ҳолларда, Абдулла Қаххор таъбири билан айтганда, “жаллодлари” сифатида майдонга чиқдилар. Қодирий романлари, Чўлпон шеърияти, Фитрат драматургиясига нисбатан жоҳилона ҳамлалар қатагон тегирмонига сув қуиши бўлди. Ойбек лирикаси, романлари, Абдулла Қаххор роман ва комедиялари теварагидаги машмашалар бу икки улуғ аллома дилида, ижодий тақдидирида канчалар оғир асоратлар колдиргани бугун ижод ва илм аҳлига аён.

XX аср иккинчи ярмига ўтиб, бутунлай ўзгача манзарани кўрамиз. 50–йиллар ўргаларида мустабид тузум жиноятларининг фош этилиши, қатағон қурбонларининг оқлашиши, кисман бўлса-да, эркин ижодий тафаккурга йўл берилиши туфайли миллий адабиётда жонланиш, янги тўлкин бошланди. Мана шу ҳаракатнинг бошида Абдулла Қаххордек жасур сиймо турарди; унинг теварагида О.Ёқубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Оришов сингари янги авлод ижодкорлари катори, Матёқуб Кўшжонов билан Озод Шарафиддиновдек истеъоддли мунаққидлар уюшган эди. Қаххор каноти остидан чиққан бу икки аллома, дадил айтиш мумкинки, миллий танқидчилигимизга асос солди, иккиси ҳам ярим асрлик ижодий фаолияти давомида XX аср иккинчи ярми миллий адабиётимиз, миллий адабий-танқидий тафаккуримиз ривожига ниҳоятда қучли таъсир кўрсатди. Бу икки сиймонинг давр адабий ҳаракатида ўтаган хизматларини XIX аср рус маданий-адабий ҳаётида Белинский билан Добролюбов, XX аср Европа маънавий дунёсида Ортега-и-

Гассет, Камю, Сартр адо эттаги улуг шашарга қиёс қилин мумкин.

Шахсан мен бу икки улуг сиймо поммарини ҳеч кичон ток айттолмайман. Озод Шарафиддиновнинг танқидчиликдаги хизматлари устида сўз кетганда ҳамина М.Қўшқонов, устоз Матёкуб ака ҳакида гапирганда эса Озод домла сиймоси кўз олдимда гавдаланаверади.

Тақдир тақозосини қарангки, гарчи бу икки аллома орасида ўн ёш фарқ бўлса-да, танқидий фаолиятни баробар бошлаб, ярим аср бир-бирларига елкадош, маслакдош бўлиб ижод этдилар, зиммадаги тарихий вазифани адо этиб, бир йилда бирин-кетин бу фоний дунёни тарк этдилар. Иккалови ҳам деярли бир пайтда Миллий университет, сўнг Москва таълимини олдилар, у ердан фан номзоди бўлиб кайтдилар, университетнинг филология факультетида бирга фаолият бошладилар. Иккаласи ҳам XIX аср рус демократ танқидчилари Белинский, Добролюбов, Чернишевский анъаналари руҳида тарбияланган эдилар. Иккалови ҳам бамисоли жасур адиб Абдулла Қаххор, қолаверса, миллий танқидчиликимизнинг қўш қаноти эди. Иккиси ҳам Қаххор ёнида туриб, миллий адабиётдаги янги тўлқиннинг даракчиси, иштирокчиси, бирин-кетин пайдо бўлаётган ижод ниҳолларининг дояси ва химоячиси, ҳакиқат ва әдолат жарчиси сифатида майонга чиқдилар. Қарангки, адабиёт майдонига чакмоқдек яшнаб кирган Э.Воҳидов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов химоясидан бошланган анъана улар умрининг охирига қадар давом этди. Чунончи, янги аср бошида ёш истеъдод У.Ҳамдамнинг “Мувозанат” романини юзага чиқаришда иккиси бирдек жонбозлик кўрсатдилар.

Танқид, бу Бехбудий таъбири билан айтганда, “сараламок” демакдир. Яхши, баркамол чин санъат асарини яроқсиздан ажратса билиш учун фаросат, бадний дид, нафосат тўйгуси керак. Аллоҳ ҳар икки алломага ҳам юёб дид, ижодни англаш баҳтини насиб этди. Уларнинг саъй-харака-

ти туфайли қисқа фурсат ичидаги миллий танқидчиликдаги вазият тубдан ўзгарди; бадий асар, муаллифи ким бўлишидан катъи назар, ижтимоий-мафкуравий жиҳатига эмас, санъати, бадииятига қараб баҳоланадиган бўлди; сиёсий-мафкуравий мезон асосида кўкларга кўтариб мақгалган, аммо бадииятдан йирок асарларнинг куни битди, ҳар хил йўллар билан камситилган, турли сиёсий “ёрлик”лар тақалган асарлар адабиётдаги ўз ўрни, қадрини топа бошлади. Авваллари танқид тиги энг истеъдодли асарларга қаратилган бўлса, эндиликда заиф, ҳатто “танқиддан тубан” нарсаларга, колаверса, миллий адабиёт равнаки йўлидаги яна бир оғат – ўртамиёначиликни фош этишга йўналтирилди.

Гарчи компартия XX съездидан сўнг Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби қатағон қурбоилари окланган бўлса-да, улар ижодиймеросини халққа қайтариш ниҳоятда машакқатли кечди. 1964 йил апрелида Қодирий таваллудининг 70 йиллигига бағишланган ўтказилган камтарона йигинда А.Қаҳҳор сўзлаган оташин нутқ, адибнинг эркин фикр йўлида оёқдаги кишанларга қарши исёни илмий-адабий жамоатчиликни ларзага солди. Икки аллома ҳаёти, фаолиятининг муҳим йўналиши айни ўша исён руҳи билан йўғрилган. Улар умр бўйи мустабид тузумнинг адабиёт соҳасидаги энг қора иши, жиноятига қарши турдилар, Қодирий, Чўлпон ҳақидаги ҳакиқат ва адолатни тиклаш йўлида мардона кураш олиб бордилар. М.Қўшжоновнинг Қодирийга, О.Шарафиддиновнинг Чўлпонга бағишланган ишлари XX аср миллий танқидчилигимизнинг ҳасби ҳоли, қалб нидоси, наъраси каби янгради.

Икки алломанинг устозга садоқати авлодлар учун мангу ибрат бўлиб қолажак! Абдулла Қаҳҳор умрининг сўнгги йилларида, вафотидан кейин унга муносабат совук тус олди; “Ёшлар билан сухбат” китоби қатағон қилинди, унинг сафдош-маслақдошларининг номлари “кора рўйхат”га тиркалди, асарлари нашри пайсалга солинди; ҳаётлигига улуғ

адибдан кўп саховат кўрган айрим ожизтабиат кимсалар ўзини четга олиб, “шогирдлик”дан воз кечдилар. Аммо М.Кўшжонов билан О.Шарафиддинов эса қатъият билан Қаххор ғояларига содик қолдилар, Қаххор ҳакида гапириш, ёзишдан бир дақиқа бўлсин тўхтамадилар. Ўша машъум “қора қуюн”лар Қаххор руҳи, хонадони теварагида изғиб юрган кезлари бу табаррук хонадонни тавоғ килиш, адид умр йўлдоши Кибриё опа ҳолидан хабар олиб туриш одатини асло тарқ этмадилар. Ҳар йили улуғ адид туғилган куни унинг хонадонида ўтадиган ғайрирасмий хотира оқшомларига бош-кош бўлдилар. Таъқибу тазийклар шароитида М.Кўшжонов Қаххор ижодига оид докторлик диссертацияси устидаги ишини ниҳоясига етказиб, уни муваффақият билан химоя қилди, Озод ака эса Қаҳдорга бағишиланган монография, мақолалар, хотира-эсселар туркумини яратди.

Бу икки аллома табиатан ниҳоятда матонатли, метин иродали, Қодирий таъбирича, шахси бутун сиймолар бўлган. Улар табиатида, қисматида кўп муштаракликлар билан баробар, фарқли жиҳатлар ҳам бор эди. Матёқуб ака ниҳоятда вазмин, энг қалтис дамларда ҳам ўзини тута билар, қалбидаги туғёнларни жиловлай олар, гапирганда эҳтиросларга берилмас, овозини кўтармас, осойишталик билан ракибига зарба бера билар, нишонига бехато ура олар эди. Ижодкорлар орасида ҳаёти ва фаолиятини бу қадар қатъий режа, интизом асосига қурган бошқа бировни билмайман. Ҳаддан ташқари кўп ақлий меҳнат, кўп ўқиши, кўп ўйлаш оқибати бўлса керак, домла бош оғриғи дардига мубтало бўлиб, шифокорлар тавсиясига кўра, бир кеча-кундузда бир соатдан ортиқ ишлол-майдиган бўлиб қолдилар. Шу сабаб, университетдан кетишга мажбур бўлдилар, осойиштароқ илмий даргоҳ – Тил ва адабиёт институтига ишга ўтдилар. Кейинчалик бош оғриғи бир оз чекиниб, бошқа бир хасталик – кўз касаллигига учрадилар. Матнларни бошқа бир кишиларга ўқитиб тинглайдиган бўлдилар. Ана шундай чек-

лашчар шароитида адо этилган илмий-ижодий фаолиятнинг самарааси союлом, энг фаол ижодкорларнинг маҳсулотидан бир неча баробар “кўп ва хўб” эди. Домладан ҳар гал буниг сирини сўраганимда, у киши Ойбекни мисол килиб келтирар, ижтимоий-сиёсий сикувлар шароитида ҳам, табиий ишнаг – хасталик чоғида ҳам ўзни қўлга ола билиш, қатъний режа, режим асосида иш тутиш, бетиним ижод этишсанъатини Ойбекдан ўрганганман, дер эдилар.

Озод ака бу жиҳатдан Матёкуб аканинг тескариси эди. У ўг-олов, қолиниларга тушмайдиган, режаю режимларни тан олмайдиган ғаройиб бир зот эди. Фақат китоб ўқишини тарқ этмас, бироқ кўнгли чопмаса, бир неча кунлаб, ҳафталаб қўлига қалам олмасди. Кўнглида илҳом жўш уриб ёзишга чеглангудек бўлса, уни ҳеч қандай куч тўхтата олмас, соатлаб бетиним ишлар, кўли кўнглидаги түғёнларни қоғозга туширишга улгурмасди. Унинг кўлёзмасини “қоралама” деб бўлмас, ўнлаб сахифаларда бирорта ҳам тузатиш, таҳрирга муҳтоҷ жумлалар бўлмасди. Озод аканинг нутқлари қандай жўшқин, равон бўлса, ёзганлари ҳам ўшандай чикарди. У кўп йиллар қанд касалидан азият чекди, лекин у ҳеч качон парҳезга риоя қилган эмас. Умрининг сўнгги етти-саккиз йили оғир хасталикларга қасдма-қасд улар билан мәрдона олишиш ва ҳайратомуз бетиним меҳнат билан ўтди. Етти-саккиз йил давомида бир ижодкор сиймо етмиш-саксон йил давомида бажариши мумкин бўлган ишларни ана шу оғир хасталик чоғида адо этишга эришди.

Матёкуб ака билан ҳар гал учрашганимизда, саломаликдан кейин, биринчи галда, Озод аканинг соғлигини, ишларини суриштиради. Озод ака ҳам, ўз навбатида, Матёкуб домланинг соғлифи, ишлари қалай деб сўрарди, бирор зарур гапи бўлса, “Уйингиз яқин, шу гапни унга етказиб кўйинг” дея илтимос қиласади. Айниқса, умрларининг охирларида бу икки сиймо бир-бирларига талпинадиган бўлиб қолди. Озод ака хонадонида бирор маърака-йигин ре-

жалашибирилса, таклиф этилганлар рўйхатининг бошида шу дўстининг исми шарифи турарди.

Қарангки, Матёкуб ака хасталаниб, касалхонада бир оз ўзларига келгач, хонадонинг қайтиши биланоқ Озод акадан хабар олиш учун унинг ҳузурига боради. Икки маслакдош дўст икки соатдан ортиқ яккама-якка сухбат қуради. Бу икки алломанинг сўнгги учрашуви, дил изҳори, умр сарҳисоби, балки видолашуви бўлди. Бир ҳафта ўтиб, Матёкуб ака жон таслим этди. Орадан бир ярим ой ўтар-ўтмас Озод ака қадрдони ортидан охират сафарига равона бўлди...

*Озод Шарафиддинов,
Беруний мукофоти лауреати*

УМАРАЛИ НОРМАТОВ ҲАҚИДА БИЛГАНЛАРИМДАН БИР ШИНГИЛ...

Умарали ҳакида гапириш маълум маънода бугунги ўзбек танқидчилиги ҳакида гапирмоқ демакдир. Бугунги ўзбек танқидчилиги ҳакида гапирганда эса беихтиёр қалбимиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлади. Бунинг боиси бор, албаттга. Сўнгги йигирма-ўттиз йил ичида ўзбек танқидчилиги ўлмийлиги ва объективлиги, ёзувчига талабчан ва самимий муносабати билан, адабий жараёнга салмоқдор таъсири билан, китобхонлар оммасининг юксак дидини шакллантиришдаги хизматлари билан поэзия, проза, драматургия каби адабиётимизнинг тўла хукукли мустақил бир соҳаси бўлиб қолди. Бугун ёзувчи ҳам, китобхон ҳам танқидий сўзга мунтазир. Танқидчилик савиясининг ортиши билан унинг мавқеи мустаҳкамланиб, обрўси ортиб бормоқда. Эҳтимслки, бу – ўзбек танқидчилари эришган энг салмоқли ютуғдир. Адабий танқидни бугунги мартабага кўтаришда Иzzат Султонов, Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Кўшжонов, Лазиз Қаюмов каби кўпни кўрган тажрибали аллома танқидчилар билан бирга С.Мамажонов, И.Фафуров, П.Шермуҳамедов, Н.Худойберганов каби нисбатан ёшроқ мунаққидларнинг ҳам хизмати ғоят катта. Умарали Норматов шулардан бири. Мана, салкам чорак асрдирки, у ўзининг салмоқли китоблари, теран мақолалари билан адабиётнинг рӯвожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ижодкорнинг қадри ва мартабаси, обрўси ва мавқеи унинг маънавий ҳаёғимизга қўшган ҳиссаси билан белгиланса, Умаралини ҳеч иккиланмай бугунги ўзбек танқидчилигининг етук вакили деб аташ мумкин.

Умарали 50 ёшга кирди. Унинг ярим асрлик ҳаёгининг тенг ярми 25 йили менинг кўз ўнгимда кечди. Шунинг учун ҳам унинг ҳаётидаги айрим нуқталарга назар солишга, менинг назаримда, муҳим бўлган баъзи ҳодисаларни эслашга жазм қилдим. Ўйлайманки, улар Умаралининг ижодкор ва инсон сифатидаги қиёфасини тўлиқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Мен биринчи марта Умаралини 1955 йил сентябр ойининг бошида кўргандим. Умарали у пайтларда Тошкент Давлат университетида филология факултетининг IV курс талабаси эди. Мен эса эндиғина Москвада ўқишини битириб, кандидатлик диссертациясини химоя қилиб қайтган эдим. Олий ўқув юртидаги биринчи иш қуним Умаралилар груп-пасидаги лекциядан бошланган. Шуниси ажабланарли эдик, бу группадаги студентларнинг кўпчилиги ёши деярли мен билан баробар йигит-қизлар эди. Шунданми, мени уларнинг салобати босиб, лекцияни қандай ўқиганимни ҳам билмайман. Одатдагидек, лекция охирида талабаларга “Савол борми?” деб мурожаат қилдим. Озғингина, хушбичим йигит қўл кўтарди. Бу – Умарали эди. Менга маъкули шу бўлдики, Умарали баъзи шум болалардек ўқитувчини мот қилиб ҳузурланиш учун ёки ”Биз ҳам чакана эмасмиз. Кўриб қўйинг” деб мақтаниш учун савол бермади. Лекцияда айтилган гаплар унинг фикрини уйғотгани, у баъзи масалаларнинг тагига етмоқчи экани сезилиб туради. Кейинчалик маълум бўлишича, бу хусусият Умаралининг қонида бор экан – ўта синчков, ҳамма нарсанинг тагигача етмай қўймайдиган, эшитган гаплари, илмий холосаларини ҳар томондан обдан ўйлаб кўриб сўнг эътиқодига айлантирадиган одамлардан экан. Тез орада Умарали билан ҳам, гуруҳдаги бошқа талабалар билан ҳам иноқлашиб кетдик. Мен Умаралининг диплом ишига раҳбарлик қилдим. Диплом иши жараёнида Умаралининг яна бир фазилати билан танишдим – у ўта меҳнаткаш, ўз илмий ишига доир

фактларни биринчи манбадан қидириб топиб, ўз кўзи билан кўрмагунча кўймайдиган, ишига доир жамики илмий адабиётларни синчилаб ўрганиб чикқанидан, уларга муносабатини аниклаб олгандан кейингина ишга енг шимариб киришадиган одам экан. Буни ўқиб ҳайрон бўлишингиз мумкин – ахир ҳар қандай одамнинг биринчи сифати шу эмасми деб. Илмнинг кора меҳнатидан қочган одам олим бўладими? Ҳа, шундай. Лекин шундай бўлишига қарамай, таъкидлар эканман, бунинг боиси бор. Якинда шогирдларимдан бири менга мурожаат қилиб катта илмий иш қилмоқчи эканлиги, бунинг учун у кишининг ишига тааллукли китобларни бериб турсам, иши яхши кўчишини айтди. Бу гапни эшитиб ичимда қаттиқ ранжидим – йўқ китобларим учун эмас, албатта. Ахир катта иш қилмоқчи бўлган олим бу ишнинг риёзатини ҳам чекиши керак-да! Афсуски, кейинги пайларда диплом ёзувчи студентлар ўртасида ҳам, диссертация ёқловчилар орасида ҳам, ҳатто айрим танқидчи ва адабиётшунослар ичida ҳам ана шундай кора ишдан қоҷадиганлари, кўлини совуқ сувга урмай иш битирадиганлари кўпайиб қолган. Ҳолбуки, “тоқقا чикмасанг дўлона, жон чекмсанг жонона қайда” деган гап олим ва танқидчининг меҳнатига авваллари нечоғлик тааллукли бўлган бўлса, ҳозир ҳам шунчалик тааллукли ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Илмий-техник революция, эҳтимол, қалам аҳлиниң ҳам машаққатли меҳнатини енгиллашибириш йўлларини топиб берар, лекин барибир шунда ҳам ҳар қайси олим ўз соҳасининг кора меҳнатини ўзи бажаради.

Умаралига қайтайлик: унинг билимдонлиги, меҳнаткашлиги, синчковлиги биринчи ишидаёқ яхши самара берди: давлат имтиҳон комиссияси аъзолари яқдиллик билан унинг диплом ишини юксак баҳолашди ва нашрга тавсия этишди. Орадан кўп ўтмай – 1959 йилда “Ўзбек адабиёти масалалари” тўпламида бу иш “Ғафур Гулом поэзиясининг

эстетик принциплари” деган ном билан босилиб чиқди. Гарчи 1959 йилдан аввал ҳам Умаралининг бир қатор такриз ва мақолалари матбуотда эълон қилинган бўлса-да, унинг илмий-танқидий фаолиятининг бошланишини шу мақола билан белгилаган майқул. Чунки бу иш ҳажми билан гина эмас, фикрий теранлиги, умумлашмаларга бойлиги, илмийлиги билан ҳам жамоатчилик эътиборини ўзига қаратган мақола эди.

Бу мақола чиқкан кезларда Умарали университетни тутгатиб, ўзи туғилиб ўсган қишлоқдаги мактабда муаллимлик қиласарди. Унинг таклифи билан мен Рапқонга меҳмонга бордим. Умаралининг ота-онаси, акаси, бошқа қариндош-уруглари, дўсту ёронлари билан яқиндан танишдим. Рапқонга келгунга қадар мен бу қишлоқ хакида республикамизда ҳамма билган нарсани билардим, яъни:

*Рапқон ажсойиб экой экан,
Бир кўча кетган сой экан,
Салқин супа ҳой-ҳой экан,
Ким кўрса ҳангуманг экан.*

Кўрганларим билганимдан юз чаңдон ортиқ чиқди. Тоғ этагида жойлашган бу қишлоқ ҳакиқатан ҳам, Муқимий таърифлаганидек, ғоят хушманзара, соя-салқин жойлари кўп эди. Унинг бир ёнидан айқириб Катта Фарғона канали ўтади. Канал бўйларида, айниқса, баҳор пайтларида жуда чиройли тус оладиган катта мевазор боғ. Қишлоқда сал нарироқда шундокқина адирлар этагида сўлим дарахтзор. У ерда ёз пайтлари болалар дам олишар экан. Қишлоқ марказида ажойиб чойхона, дўконлар, ҳаммом, пахта пункти. Кўп қаватли мактаб. Қишлоқ катта, обод, аҳолиси кўп. Шу қадар кўпки, бир колхозга сифмаганидан бу ерда иккита колхоз ташкил қилинган. Албатта, Муқимий ҳаёт бўлиб, бугунги Рапқонга бориб қолганида, унга бағишилаган байтларини анча кенгайтирган бўларди. Эҳтимолки, у бугун Рапқоннинг хушманзара жойларидан ҳам ортиқроқ сёдам-

ларига қойил бўларди ва тажрибали донгдор пахтакорлар хақида ёхуд олис бир кишлоқда яшаб туриб, бутун дунё миқёсида ўйлай оладиган билимдон, зукко ва айни чоғда, сермулозамат зиёлилар хақида ёзган бўларди.

“Куш инида кўрганини килади” деган гап бор. Менимча, бу гап одамга ҳам тааллуқли. Болалик кечган оиласвий мухит, олам ҳақидаги илк тасаввурларини шакллантирадиган дастлабки мухит истасангиз-истамасингиз сизга таъсир кўрсатади, характеристингиздаги маълум хислатларни вужудга келтиради. Мен Рапқонда меҳмон бўлиб юриб, бу қишлоқнинг сўлим табиати Умарали қалбида гўзаллик туйғусини уйғотган, бу эса адабиётга илк муҳаббатини туғдирган бўлса керак деб тахмин қилдим. Назаримда, ундаги меҳнаткашлик бутун умр деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган, айни пайтда, мадраса таълимини олган зиёли, раҳбарлик лавозимларида ишлаган отасидан мерос қолган. Умарали аввал қишлоғида, кейин Конибодомда педагогика техникумидаги ўқиди. Унинг баҳтига техникумда бирга ўқиган болаларнинг ҳам кўпчилиги билимга ташна, кобилиятли, синчков болалар эди. Бундай чоқларда улар ўртасида дўстлик вужудга келади, бу дўслик эса яхши маънода ракобатни туғдиради. Умаралининг ана шундай қадрдан дўстларидан бири – Худойберди Тўхтабоев эди. Ҳозир у асарлари ўнлаб тилларга таржима қилинаётган атокли адиб.

1959 йили кафедрамизга аспирантурадан ўрин берилди. Бу ўринга Умарали Норматовни таклиф қилдик. Сира кутилмаганда унга илмий раҳбарлик қилиш менга топширилди. Мен бу ишда сира тажрибам йўқлигини айтиб, эътиroz билдириган эдим, кафедра мудири Ғулом Каримов “Ҳечкиси йўқ. Сузишни ўрганиш учун сувга кириш керак. Ишлайверинг” деб гапни қисқа қилди. Билмадим, менинг раҳбарлигимдан Умаралига қанчалик наф тегдийкан, лекин мен учун бу иш яхши мактаб бўлди. Уч йил ўтгач Умарали “Ҳозирги ўзбек ҳикоячилиги ривожининг асосий тенденция-

лари” деган мавзудаги кандидатлик диссертациясини муваффақиятлди ҳимоя қилди ва Тошкент Давлат университетининг филология факультетида ишлай бошлади. Аввал у ўқитувчи бўлди, кейин доцент бўлиб ишлади. Бундан бир неча йил муқаддам ўзбек адабиёти кафедраси иккига ажраби, ўзбек совет адабиёти кафедраси ташкил қилинганда, ҳаммамиз яқдиллик билан Умаралини кафедра мудири қилиб сайдадик. Бу орада у докторлик диссертациясини ёқлаб, профессор бўлди. Кези келганда Умаралининг педагогик фаолияти ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтади.

Мана, йигима йилдирки, у талабаларга замонавий ўзбек адабиёти тарихидан лекциялар ўқиади. Шу йиллар давомида у талабалар ўртасида бақувват обрў орттириди, уларнинг муҳаббатини қозонди. Бунинг асосий сабаби шундаки, унинг лекциялари ҳамиша ижодий характерга эга. У ҳеч қачон маълум нарсаларни тақрорлаш билан чекланмайди, аксинча, ҳар бир маърузада тингловчиларга бирор янги гап айтишга, уларнинг фикрини уйғотишга, шу орқали уларни бадиий адабиёттаги гўзалликларини кашф этишини ўргагишига интилади. Умаралининг билимдонлиги, адабиётни бутун қалбидан эхтирос билан севиши маърузаларининг мазмунан теран, эмоционал таъсирчан чикишини таъминлайди.

Шу йиллар ичida Умарали Норматов танқидчи ва адабиётшунос сифатида жуда фаол иш олиб борди. Унинг “Жанр имкониятлари”, “Маҳорат сирлари” (Матёкуб Кўшжонов билан ҳамкорликда), “Насримиз уғіллари”, “Гўзаллик билан учрашув”, “Насримиз анъаналари”, “Сайд Аҳмад”, “Шухрат” каби китоблари босилди. Улардан ташқари, “Ўзбек адабиёти масалалари” (1962), “Адабиётимизнинг ярим асли” (1967, 1975), “Ўзбек жангномаси” (1977), “Инкилоб ва адабиёт” (1977) каби тўпламларда маколалар эълон қилиш билан чекланмай, бу китобларининг айримларини барни этишда тўпловчи сифатида ҳам иштирок этди. Ниҳоят, Умаралининг йигирма йил ичida вақтли матбуотда

зълон қилингани мақолаларини санайдиган бўлсак, икки юздан ортиқ номни ўз ичига оладиган каттакон рўйхат пайдо бўлади. Булар ичида тақризлар ҳам, обзор мақолалар ҳам, адабий портретлар ҳам, баҳслар ҳам, проблематик мақолалар ҳам бор. Кўринадики, Умарали Норматов танқидчи ва адабиётшунос сифатида йигирма йиллик фаолияти давомида анча салмокли иш қилиб кўйибди. Бироқ санъатнинг ҳамма турларида бўлганидек, адабий танқидчиликда ҳам асарнинг ҳажми ёхуд мақолаларининг сони ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Ҳамма гап сифатда, китоб ёхуд мақолаларнинг ғоявий салмоғида, назарий пухталигида, уларда айтилган гапларнинг янги-эскилигида, ҳаётийлигида. Танқидчи сермаҳсул бўлгани билан, мақолаларни қалаштириб ташлайвергани билан унинг адабиётдаги мавқеи мустаҳкамланиб колмайди. Ёзувчилар назарида ҳам, китобхонлар назарида ҳам муҳим обрў қозониш учун танқидчи билимдон ва теран бўлишдан ташқари, принципиал, ҳалол ва объектив бўлмоғи, адабиётни чин юракдан севмоғи, яъни уенинг ютуклари учун суюниб, қусурлари учун куюниб ёза билмоғи керак. Умаралида шу фазилатларнинг анча-мунчаси мавжуд. Китобхон бу жумладаги “анча-мунчаси” деган иборага таажжубланиши мумкин: бинобарин, баъзи фазилатлар йўқ экан-да? Умаралининг танқидчилик фаолиятида қусурлар ҳам бор экан-да? Ҳа, албатта, бор. Ахир ҳар тўқисда бир айб дейишади. Қусурсиз одам, қусурсиз танқидчи бўладими? Ҳаммамиизда ҳам озми-кўпми қусур бор. Умаралидаги қусурни шунда кўраманки, у баъзан чинакам илмий таъабчанликни заифлаштириб кўяди, натижада ўртамиёналиги шундоккина ошкора кўриниб турган асарни чунонам мактай бошлайдики, буни кўриб ҳайрон қолади кипти. Мабодо, бўш асарни танқид қилгудай бўлса, иложи борича мулойимлик билан, озор бермайдиган килиб танқид қиласди. Бу унинг кўнгилчанлигидан бўлса керак, ҳар қалай ҳеч кимнинг кўнглини оғритмасликка уринишидан. Балки

бу йўл ҳам тўғридир. Лекин мен барибир бу йўлни маъкул-ламайман. Негаки, танқидчилик касбининг моҳияти ўзи шунақа – истасанг-истамасанг кимларгадир озор берасан. Ҳатто ҳеч кимни танқид қилмай, ёзувчиларни фақат мақташ билан банд бўлсанг ҳам, бу ҳали навбати етиб келиб мақтамаган ёзувчиларга оғир ботади. Лекин чинакамига адабиётнинг юксак савияси учун курашаман десанг, хом-хатала, пала- partiш, ўртамиёна асарларга қарши сира тортинасдан курашиш керак. Бундай асарлар эса адабиётимизда етарли даражада топилади. Бахтимизга, бу нуқсон Умаралининг ижодида ҳамма вақт ҳам учрайвермайди. Аксинча, унинг маколалари ва китобларида фазилатлар устунлик қиласди. Баъзи бирларини кўриб чиқайлик.

Умаралидаги фазилатлари ичida энг маъкулларидан бири хозиржавобликдир. Бу, менимча, танқидчи учун энг зарур сифат. У адабиётимизни доимий тарзда кузатиб боради, ундаги биронта салмокли асар ёхуд жиддий воқеа танқидчининг эътиборидан четда қолмайди. Бир вақтлар адабиётимизда икки-уч йил ичida битта роман, икки-учта қисса, тўрт-бешта достон пайдо бўлган кезларда бу осон эди. Энди ахвол ўзгарди. Адабиётимизда ҳар йили ўнлаб йирик асарлар, юзлаб шеърий тўпламлар, туркумлар, достонлар яратилмокда. Бу кувонарли ҳол, албатта. Лекин бу танқидчининг ишини ғоят кийинлаштиради. Китобхон бу асарлари танлаб, саралаб, ёққанини ўқиши мумкин. Ундан фарқ қиласроқ, танқидчи уларнинг яхшисини ҳам, ёмонини ҳам, ёққанини ҳам, ёқмаганини ҳам ўқиши керак. Улар ҳақида биронта такриз ёхуд мақола ёзиш-ёзмасидан катъи назар, уларни ўқиб чиқмоқ керак. Ўқимаса, у адабий жараёндан узилиб қолади, адабий ҳаёт ҳақидаги фикрлари чала бўлиб қолади. Умарали шу машақкатли меҳнатни бажаради, бажарадигина эмас, бирон жихати билан йилт этган асарнинг ҳар бири ҳақида, адабий жараёнда бирон фазилати билан из қолдирувчи асар ҳақида, албатта, такриз ёзади. Ўз

вақтида чиққан объектив, тўғри тақриз ёзувчи учун қанчалик руҳий мадад бўлишини, бинобарин, адабиётимизга катта фойда кетиришини, унинг ютуқларидан кенг китобхонлар оммасини тезроқ огоҳ қилишини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Адабиётимизда Умаралининг синчков назарида ўтмаган биронта ҳам жиддий, салмоқли асар йўқ десак, хато бўлмас. Яна шуниси ҳам муҳимки, у асосан, бугунги проза масалаларига кўпроқ қизиккан ҳолда драматургия, поэзия, танқидчиликдаги янги асарларни ҳам эътибордан соқит қилмайди.

Умарали ижодининг менга маъкул яна бир қирраси борки, у ҳозирги ўзбек танқидчилигининг энг муҳим фазилатларидан бири билан боғланиб кетади. Бу ёзувчи шахсиятига теран ҳурматдир. Ҳа, бу – шундай. Афсуски, бир вактлар адабий танқид шу нарсадан анча маҳрум эди. Қўлига қалам олиб тақриз ёҳуд макола ёзишга киришган ҳар бир одам камида ўзини ёзувчининг устози деб билар, унга қандай ёзиш кераклигини уқтириб сюжетни қандай қуриши лозимлиги, характерларни қанақа ишлаш зарурлиги тўғрисида кўрсатма берар эди. Баъзи ҳолларда эса ёзувчини камситадиган, иззат-нафсига тегадиган талаблар ҳам аямай ишлатилаверарди. Ҳозир шароит тубдан ўзгарди. Биз танқиднинг моҳиятини ҳам, вазифаларини ҳам анча чуқур ўзлаштириб олганмиз. Шунинг оқибати ўлароқ, бугунги танқидчилар адабиёт ҳақидаги объектив ва талабчан мулоҳазаларини сусайтирган ҳолда, ҳар бир мақоланинг яхши чиқиши учун курашмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ мақолаларимиз заминида эндиликда ижодкор шахсиятига теран ҳурмат пайдо бўлди. Танқидчилигимиз ижодкор ишининг машаққатларини тушунган ҳолда, энг муҳими эса, истеъодод ноёб нарса, унга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш керак деган кўрсатмани дастуриламал қилган ҳолда адабиётга муносабатда бўлмоқдадир. Умарали бугунги адабий танқиднинг шу муҳим принципини (қоидасини) ҳаётга жорий

килишда муҳим роль ўйнаётган танқидчилардан биридир. У тақризларида ҳам, мақолаларида ҳам ва айниқса, Саид Аҳмад, Шухрат, Худойберди Тўхтабоев каби ёзувчилар хақидаги ишларида ҳам шу принципга қатъий амал қиласди. У асарларида ёзувчиларга юқоридан қарамайди, уларга акл ўргатмайди, айни чоқда, улар қаршисида қўл қовуштириб, ҳамма нарсани маъқул деб бош иргаб ҳам турмайди. Умаралининг энг муҳим қуроли таҳлил – у асар қаҳрамонларини ҳаёт ҳодисалари билан чоғиштириб, таққослаб, ўз фикрларини ишончли далиллар билан, мантиқ кучи билан ошкор этади. Натижада, унинг мақолаларида бир томонла малик йўқолиб, объективлик пайдо бўлади. Бу эса танқидчи сўзи салмоғининг ортишига, танқидчилик обрўсини ўсишига хизмат қиласди.

Умарали ижодидаги менга маъқул фазилатлардан яна бири ундаги илмий чукурлик, фикрий теранлик ёхуд, ҳозирги расм бўлган ибора билан айтганда, концептуаллилиkdir. Бу ҳам ғоят муҳим фазилат бўлиб, танқидчиликнинг энг катта муаммоларидан бирини тўғри ҳал килишга ёрдам беради. “Танқидчи ким? У ҳам адаб, шоир ёки драматург каби ижодкорми ёхуд бошқаларнинг маҳсулини таснифлаб, изоҳлаб берадиган тафсирчими?” деган масала устида кўп замонлардан бери тортишув боради. Кейинги пайтларда танқидчи – ижодкор деган караш тарафдорлари устун кела бошлади. Лекин танқидчининг мустақил ижодкор эканини эътироф этиш билан иш битмайди. Танқидчининг ким бўлиши, биринчи навбатда, унинг ўзига боғлик. У ижодкор ҳам бўлиши мумкин, оддий тафсирчиликдан нарига ҳам ўтмаслиги мумкин. Хўш, танқидчини ижодкор деганда ҳимани тушунашимиз? Менимча, даставвал, танқидчининг фикрларини. Унинг фикрлари янги, теран, умумлаштирувчи бўлмоғи керак. Танқидчи адабиёт баҳонасида адабий жараён назарияси ҳақида ҳам, ҳаётдаги тенденциялар ҳақида ҳам фикрлаш иқтидорига эга бўлиши керак. Умаралининг кўп-

гина мақолалари шу жиҳати билан қимматли – уларда му-наккид фактларга асир бўлиб қолмайди, адабий ҳодисалар ортидан бормайди, балки ҳар гал адабий ривожимиз учун муҳим бўлган йирик-йирик масалаларни ўргага ташлайди, ҳар гал адабий ҳодисаларга бирон оригинал нуктаи назар-дан қараб, жуда чуқур ва салмоқли хулосаларга келади. Умарали доимо иттифоқ миқёсидаги адабий баҳслар ва му-нозаралардан яхши хабардор, лекин уларда олға сурилган янги фикрларни бизнинг адабиётга механистик татбиқ кил-майди, балки уларга таянган ҳолда адабиётимизнинг ички хаётидан келиб чиқиб, янги масалалар, муаммоларни кўта-ради. “Етуклик”, “Реализм назарияси ва ҳозирги адабий жа-раённинг баъзи масалалари”, “Реализм ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги” каби мақолаларни ўқиб чиқсангиз, бунга амин бўласиз. Мен шу мақолалардан бири ҳакида кискача тўхтalamан.

Умарали ёзувчининг ижодий индивидуаллигини тадқиқ қилас экан, кўп масалалар билан бирга ўхшаш мавзуларда ёзилган нарсаларни қиёсий ўрганиш муҳимлигини таъкид-лайди. Унинг фикрича, бундай асарлар турлича ижодий ин-дивидуалликка эга ёзувчиларнинг бир бири билан муноза-раси окибатида пайдо бўлади ва ёзувчининг ўзига хосли-гини аниқлашда жуда бой материал беради. Мунаккиднинг ўзи “Навоий” романи ва “Алишер Навоий” драмаси, “Мирзо Улуғбек” трагедияси ва “Улуғбек хазинаси” рома-ни, “Болалик”, “Ўтмишдан эртаклар”, “Кўрган кечирганила-рим” каби бир-бирига яқин қиссаларни қиёсан таҳлил қи-либ, уларнинг муаллифларининг ижодий индивидуаллиги ҳакида жуда ўринли ва қимматли мулоҳазалар айтган.

Ижодкор ўз услубига эга бўлиши керак. Кўпинча, ижод-кор, шу жумладан, танқидчи ҳам бутун умри давомида ўз услубини излаб ўтади. Бу – табиий, чунки услуб – ижодий индивидуалликни намоён этиш шаклидир. Уни мунтазам равишда шакллантириб, мукаммаллаштириб бориш керак.

Бинобарин, доимий изланиш, янги ифода усуулларини қилириш танқидчининг ҳам мухим вазифаси. Бизнинг хозирги танқидчилигимизда изланиш руҳи ҳоким. Айрим танқидчилар энг жиддий назарий муаммоларни ҳам, ўқувчига тезрок етиб боришига имкон берадиган янги шаклларни ҳам изламоқдалар.

Бизнинг ўзбек танқидчилиги ҳам бугунги кунда ана шундай самарали изланишлар йўлидан боряпти. Унинг бу йўлдаги муваффақиятларини таъминлашда Умарали Норматовнинг ҳам алохидат хиссаси бор. Унинг мақолалари соҳта илмийликдан холи, яъни у оддий нарсаларни чалкаштириб, узундан-узок қилиб мураккаб шаклда ифодалаб, ўзининг “доно”лигини намойиш этмайди, аксинча, мақолаларида соддаликка, ихчамликка интилади. У мақолаларини қизиқарли килиш учун сийقا латифалар, ўринсиз ривоятлар, арzon-гаров сўз ўйинларига ҳам мурожаат этмайди, балки фикрий теранлик, баҳснинг ўткирлиги билан асарнинг ўринли чиқишига эришади.

Нихоят, бугунги танқидчиликни янги шакллар билан бойитиш борасида ҳам Умарали салмоқли меҳнат қилмоқда. Мен бу ўринда танқидчининг ёзувчилар билан баҳсни назарда тутяпман. Уни “диалог” ҳам деб атапсади. Албатта, “диалог” мутлако янги шакл эмас, у рус адабиётида, танқидчилигига аср бошларида ёк маълум эди. Қолаверса, жаҳон адабиётида бу шакл қўпдан бери қўлланилаётганини айтиш мумкин. Лекин бу шакл бизнинг адабиётимиз учун янгилик бўлди. Уни жорий қилишда Умарали биринчилардан бўлиб жонбозлик кўрсатди. Лекин бу ўринда ҳам гап фақат шаклда эмаслиги, шу шаклга сингдирилган мазмун мухимлигини таъкидлаш кесрак. Бу жиҳатдан ҳам Умаралининг баҳслари ижобий баҳога муносиб. Танқидчининг Назир Сафаров, Ҳамид Гулом, Мирмуҳсин, Асқар Мухтор, Сайд Ахмад, Пиримкул Қодиров, Шукур Ҳолмираев, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Омон

Матжон билан қилган сұхбатларини ўқиб бунга амин бўла-
миз. Уларнинг ҳар бири бугунги адабий жараённинг жуда
муҳим масалаларига бағишлиланган. Бу баҳсларнинг бирида
адибнинг ижтимоий бурчи ҳақида фикр юритилса, иккин-
чисида – адабиёт ва инсоний камолот муаммоси тилга
олинади, учинчисида – маҳорат масалалари тадқиқ қилинса,
яна бошқасида ёзувчи – танқидчи – китобхон муносабати
масаласи ўргага ташланади. Бу масалалар ҳақида баён қи-
линган фикрлар эса бугунги танқидий фикр ривожига ҳам,
ижтимоий онгнинг ўсишига ҳам фаол таъсир кўрсатади.

Умаралининг асарлари ҳақида яна кўп гапларни айтиш
мумкин. Лекин, назаримда, айтилганларнинг ўзиёқ уни ада-
биётимизнинг истиқболи ҳақида тинимсиз қайғурувчи етук
олим, истеъоддли мұнаққид, моҳир педагог сифатида таъ-
рифлаш учун кифоя қиласи. Бу олим бугун ҳам танқид-
чилик фаолияти билан энг олий мақсадларга хизмат килиш-
га – миllat маънавияти равнакига муносиб ҳисса қўшишга
камарбаста.

Бугунги танқидчилигимиз сафида Умарали Норматов-
дай билимдон, объектив ва талабчан истеъодд эгалари бор
экан, унинг эртасига комил ишонч билан карашимиз мум-
кин.

1981

МУНДАРИЖА

Ярим аср порлаган маёқ.....	3
Ижод ва шижаат	16
Мунакқид жасорати.....	27
Устознинг бир шижаоти хусусида.....	32
Муносиб съзоз.....	39
Истиқлол илҳомлари	42
Миллий танқидчилигимизнинг қўш қаноти	47
Илова: ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ. Умарали Норматов ҳақида билғанларимдан бир шингил	54

Адабий-такъидий нашр

Умарали НОРМАТОВ

ЯРИМ АСР ПОРЛАГАН МАЁҚ

*(Озод ШАРАФИДДИНОВ
таваллудининг 90 йиллигига)*

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов

Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

Мусаҳхиха: Нигора Усмонова

**«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти**

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.

E-mail: mumtoz_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси AI № 103. 15.07.2008

Босишга 18.01.2019 да имзоланди. Офсет қофози.

Бичими 60x84 1/16. Times New Roman гарнитураси.

Шартли босма табоги 4,25. Ҳисоб-нашриёт табоги 4,0.

Адади 500. 04-сонли буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

**«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20**